


ОМОН МАТЖОН

УМР ЎТАР,  
ВАҚТ  
ЎТАР

*Шеърлар*



ТОШКЕНТ  
«O'ZBEKISTON»  
2016

УЎК: 821.512.133-1  
КБК 84(5Ў)6  
М31

*Тўплаб нашрга тайёрловчи:*

**Мархабо ҚЎЧҚОРОВА**

*Масъул муҳаррир:*

**Улуғбек ҲАМДАМ**

Ўзбек халқининг сеvimли шоири Омон Матжоннинг мазкур тўпламига унинг шу пайтгача нашр этилган барча китобларидаги энг сара лирик, ижтимоий, тарихий, фалсафий ҳамда жаҳон адабиётидан қилинган таржима шеърлари, қолаверса, насрдаги назмий тизмалари жамланди. Ўйлаймизки, ижодкорнинг «Умр ўтар, вақт ўтар» номли янги шеъррий гулдастаси китобхонларимиз жавонидан муносиб ўрин эгаллайди. Китоб Омон Матжон шеърятининг мухлислари, тадқиқотчи адабиётшунослар, қисқаси, кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган. Шеър ҳамроҳингиз бўлсин!

ISBN 978-9943-28-538-5

© Омон Матжон, 2016

© «O‘ZBEKISTON» НМИУ, 2016

---

---

Умр ўтар, вақт ўтар,  
Хонлар ўтар, тахт ўтар,  
Омад ўтар, бахт ўтар,  
Лекин ҳеч қачон чиқмас ёдимдан  
Сенинг юришларинг, сенинг кулишларинг.

Баҳорда боғ на гўзал,  
Қор тушса тоғ на гўзал,  
Бу ёшлик чоғ на гўзал.  
Лекин ҳеч қачон чиқмас ёдимдан  
Сўзсиз қарашларинг, ҳолим сўрашларинг.

Ой чиқар гоҳ заҳоли,  
Дўстлар кўндир вафоли.  
Ҳаёт шундан сафоли,  
Лекин ҳеч қачон чиқмас ёдимдан  
Сокин сўзлашларинг, пинҳон излашларинг.

Умр — йўл, қайрилиш — кўп,  
Учрашиш, айрилиш кўп,  
Унутиш, айтилиш кўп,  
Лекин ҳеч қачон чиқмас ёдимдан  
Ўша кулишларинг, ўша келишларинг.

---

---

**«ОЧИҚ ДЕРАЗЛАР»**  
(1970)

\* \* \*

Кимнидир ахтардим, ахтардим узоқ,  
Кўзимни паналаб баъзан қуёшдан.  
Филдирак изидан узун тунларда  
Номин хай-хуладим унинг тоғ-тошдан.

Ва ниҳоят, бугун, истиқбол куни  
Кўриб қолдим уни оламдек равшан:  
— Менинг қалбим эди у,  
Дунёни таниб —  
Шеърият эшигин қокарди ўйчан.

**ЮРАККА**

Ўзи яратдию сени табиат,  
Лекин тинчимади сен яралгандан.  
Бу тор сийна ичра бандисан абад,  
Табиатнинг сенга рашки келгандан.

Балли! Асирликда кечган умринг ҳам  
Ҳикматлар тиклолди фазодан юксак.  
Сигдиrolмас эди кўксига олам,  
Озод ўйларингни бир-бир санасак.

Қандай мўъжизалар кўрарди башар,  
Беқафас яралган бўлсайдинг агар.

\* \* \*

Кўзларингни яширгил мендан,  
Ўтиб кетай ёнингдан бефарқ.

Ўтиб кетай ёнингдан бедард,  
Кўзларингни яширгил мендан.

Борлигимни пайқама, майли,  
Бурчакларда, майли, қайрилма,  
Мени деб тинчингдан айрилма,  
Борлигимни пайқама, майли.

Номим бўлса қалбингда агар,  
Отиб ташла, майли, тупроққа.  
...Хар қуни ўт, шу йўлни топтаб,  
Номим бўлса қалбингда агар.

## ШЕЪРИЯТ

*...Ўз оролинг бўлсин.*  
«Дхаммапада»

Шеърият — ҳамманинг ўзи, ўзлиги!  
Шеърият ўзинг-ку, қалбдан қалбларга  
Эзгуликнинг беқиёс ганжин  
Ишонч қоғозисиз элиб бергувчи!  
...Мен ҳам шошиляпман сенга, шеърият!  
Унвон, йўлланмалар тегмаса ҳамки,  
Сен сари кетгувчи улкан кемадан  
Фақат юкларимга жой топсам, майли.  
Шеърият!  
Шу ишонч тинчитмас такрор,  
Сирли кашфлар сари судрар солимни.  
Сенга содиқлигим байроғи шулки,  
Хар гал,  
хар шеъримда,  
хар тепганда қалб —  
Ўзим ўз қалбимнинг бўлсам Колумби.

\* \* \*

Беланчакда ётар коинот,  
Чайқалмаса тинмасми йиғи?!  
Бизни чайқаб турган бу хаёт  
Кимларнингдир сўнгги қўшиғи.

Самовот — бир жулдур дастурхон,  
Сомон йўли унда қанд юқи,  
Тунга ваъда этар олтин нон  
Юлдузларнинг сўнгги қўшиғи.

Осмон инграб чиқар гоҳ тунда,  
Қорга тўлар боғлар бўшлиғи.  
Баҳор ваъда этади унга  
Бўронларнинг сўнгги қўшиғи.

Мен на кун, на тунман самода,  
Бир ошиқман ерда бор-йўғи.  
Менга нелар этасан ваъда,  
Эй, севгининг сўнгги қўшиғи?!

\* \* \*

Бошқалардек севишдик биз ҳам,  
Куйиб юрдик бошқалар каби.  
Бу савдони бахт билдик биз ҳам,  
Бахтдир, дедик висол, ёр лаби.

Бошқалардек дуч келиб қолсак,  
Олислардек минг бор қайрилиб.  
Мана, биз ҳам бебахт, беқарсак  
Бошқалардек кетдик айрилиб.

Ишқнинг қолди фақат озори,  
Қалам, қоғоз — мерос бир ялов.  
Қалбимдадир ишқнинг мозори,  
Ёниб қолди унда бир олов.

Ишқдан фақат шу қолди менга,  
Олов ёнар, сен-чи, йўксан, ёр.  
Келолмайсан ўз мақбарангга,  
Унга гуллар қўяр бошқалар.

## БОБУР

Эй сен, юртим, қиличлардан қолган жароҳат,  
Эй сен, тифлар чақмоғидан яралган кўёш!  
Қайси найза илиб кетди бошинг бу дафъа,  
Бир фарзандинг излаб юрар сени сўққабош.  
Излаб-бўзлаб юрар у ҳам кўлида қилич,  
Номусингни у тиф билан топмоқчи, Ватан!  
Курашмоққа қолмаганда на имкон, на куч,  
Кўкрагидан ғамли куйлар сирқади баъзан.

У куйлайди тупроғингни сенинг, о ўлка,  
Унинг ёлғиз ҳамроҳидир қувғин ва алам.  
Кета туриб олға сиқим тупроғи ичра  
Бор эди қон ва бор эди бир кичик қалам.  
Шундай кетди ул саркарда юртдан бешухрат,  
Фақат қалам ола кетди ва қалбдан нидо.  
Олисларда топса ҳамки ганжи беадад  
Она Ватан кўйида у бўлди бир гадо.

Лекин чексиз эди ҳижрон. Чидолмай ахир  
Ғазал тўла юрагини отди юрт томон.  
О, Ватан деб пора-пора бўлган бу бағир  
Осиёни қўшиқларга кўмди шул замон.  
Кўшиғи деб қабул этди уни Ватан,  
Кўшиғи деб энди бунда юради эркин,  
Менинг юртим, ололмади шоҳ қалби сени,  
Шоир қалби, шоир қалби забт этди лекин.

---

---

**«КАРВОН ҚЎНФИРОФИ»**  
(1973)

**ЭШИГИНГДАН ЎТАМАН...**

Куз ёйса ҳам йўлларга хазон,  
Қор кўмса ҳам борлиқни бутун,  
Кўклам келиб, урса ҳам хандон,  
Эшигингдан ўтурман бир кун.

Сочларингга тушса ҳамки оқ,  
Пешанангни босса ҳам ажин,  
Кирганда ҳам гавдамга титроқ,  
Эшигингдан ўтурман бир кун.

Майли, шунда танимасанг ҳам,  
Ёки десанг, кўрмайин турқин,  
Ёшим ютиб, бошим қилиб ҳам,  
Эшигингдан ўтурман бир кун.

Мени демай юмсанг ҳам кўзинг,  
Хонанг қолса зулматга тутқун,  
Хотирангга шам бўлиб ўзим,  
Эшигингдан ўтурман бир кун.

Вақтим етиб чиқса бу жоним,  
Дардларимга ясалса якун,  
Қабристонга тобут ичра жим  
Эшигингдан ўтурман бир кун.



## АМУ

Аму совук, бефарқ тоғлардан  
Юз ўгириб, қочиб келади.  
Тошлар аро у ялангоёқ  
Ўзига йўл очиб келади.

У доволар ошар тўлганиб,  
Отилар у водийлар томон,  
Гўё томдан тушолмай қолиб,  
Онасига интилган ўғлон.

Ошиқаркан пастликлар сари  
Уқубатда пояма-поя,  
Қояларнинг қора ханжари  
Бардошига сололмас соя.

Қаранг, телба десалар ҳамки,  
Ўз йўлидан тоймас у зинҳор,  
Гўё тақир ҳув кенгликларда  
Кўзлагани катта бахти бор.

## ЭСКИ ЎЧОҚ

Олис-олисларнинг бефарқ елида  
Қорайиб ётар бир ташландиқ ўчоқ.  
Чўғлар йўқдир унинг совуқ кулида,  
Энди босиб ётар чағиру янтоқ.

Унутдими уни, балки ёш сайёҳ,  
Йўлига кетдими айтмай ҳам хайр?!  
Ё топганми бунда овунчли даргоҳ  
Шахар шовқинидан қувилган шоир?!

Ададсиз ўчоқлар қурган бир чўпон  
Бир тун завқи учун қуриб кетдими?!  
Қора қаҳратонда балки бирор он  
Адашган йўлчини хушнуд этдими?!

Ха, қуршаб-қуриган қайсидир жонга  
Харорат бергандир ёниб-тўлғаниб.  
Ундан исинганлар ўзга томонга,  
Ўзга ўчоқларга кетган ишониб...

Йиллар ўтиб борар чакмоқларсимон,  
Поёнсиз саҳрода бир ўчоқ ётар.  
Уни эслаб келар ҳар йил Баҳоржон, —  
Бутун қирга лола гулханлар ёқар!

## МАСАЛ

Сим ҳалқада бир ит югурар,  
Бўлар-бўлмас акиллаб турар.

Хурар яқин меҳмон келса ҳам,  
Яхши келса, ёмон келса ҳам.

Хураверар, каттами-кичик,  
Безор қилди шу ола кучук!

Занжирининг қисқалигини,  
Ўғриларнинг усталигини.

Билса ҳамки жуда кўп хурар,  
Сим ҳалқада тинмай югурар...

Бошқа уйда ювош бир ит бор:  
У кўп ҳурмас ва лекин ҳушёр!

\* \* \*

Қалбимдан сир ахтармагил сен,  
Яширин бир сир унда йўқдир.  
Яхшиси сен жимгина кел-у,  
Ёнгинамда бир нафас ўтир.

Ёниқ қалбин уфққа қўйиб,  
Ўй суради ҳорғин табиат.  
Қўлларида титрайди осмон,  
Саволларга гўё тўла хат.

Турналарнинг сафлари билан  
Хайр, куз, деб ёзар у кўкка.  
Сўнг Қуёш ва Ерни қайгадир  
Жўнатар қиш отли конвертда...

Сен саволлар бермагил менга,  
Борлиқни ҳам тергама бу дам.  
Бу улугвор мактуб ичида  
Билсанг, бормиз иккаламиз ҳам.

Учиб кетар фурсат оқ каптар,  
Қўй, билмайман, бу хат кимгадир?  
...Яхшиси сен жимгина кел-у,  
Ёнгинамда бир нафас ўтир.

## **ЎН УЧИНЧИ ЭШИК**

Фазна узра бўй чўзмишди бот  
Ҳайбатли ва қўрқинчли сарой.

Бундай шиддат, бундай маҳобат  
Бағдодда ҳам йўқдир ҳойнаҳой!  
Ичкариси ваҳм бир дунё,  
Ўн иккита эшиги бордир,  
Ўртада тахт...Ғазабнок сиймо...  
Теграсида ўн икки қандил...  
...Ғазаб сочар Ғазнавий султон,  
Аъёнларни тергайди бир-бир.  
Сарой аҳли уни бирон он  
Овутмоққа излайди тадбир.  
Совуқ чўғлар ўйнар кўзида —  
Дўзах қуши очгандай бола:  
Қарашидан тупроқ юзига  
Ёғиб турар кулфат ва нола.  
На зиёфат, на чолғу-базм  
Ёқа олди кўнглига чироқ.  
Чаплагандай нурсиз бир расм,  
Хира эди бу кўшк, бу равоқ.  
Хоритганми уни сафарлар,  
Қутуртдими балки шонлари?!  
Ё қалбига даҳшат қуярлар  
Хуросонда тўккан қонлари?!  
Ё ғазабга солурми бу дам  
Тиз букмасдан турган Ҳиндистон?  
Унда кезса гўдак устида —  
Рақс этувчи бир шивасимон?..  
Ҳайрон этар бизни минг-минг йил  
Табиатда ажиб бир савдо:  
Қайси бир иш мушкулдан-мушкул,  
Ечмоқ уни соддадан-содда.  
Фақат баттол вазири Ҳасан  
Зап биларди Султон феълени.  
Бир кори хол сезиб, хусусан,  
Келиб қолди боғлаб белини.

Суяр эди вазирин Султон,  
Содиқлиги, қувлиги учун.  
Ва ҳозир ҳам... кўргани замон  
Ариб кетди бошидан тутун.  
«Давлатпаноҳ!» — бош эгди вазир,  
Кўзларида маккор бир зиё.  
«Амрингизга келдим мунтазир,  
Мунтазирдир унга бор дунё!»  
«Гапир!» «Қуллуқ! Минг-минг қулингиз  
Ҳукмингизга зору интизор.  
Биттасини синаб кўрингиз,  
Эмиш унинг қизиқ нақли бор!  
Гап шундаки...» — Ҳасан буқланиб,  
Ғазнавийга шипшитади гап.  
Ва тунд султон бирдан тикланиб,  
Қаҳ-қаҳ урар мастларга ўхшаб:  
«Хўш, хўш! Қани олиб келинсин!  
Ўзим уни қиламан сўроқ!  
Ёлғон чиқса гаплари лекин,  
Синдирурман бошида таёқ!»  
Базўр тутган ўлжасини ҳам  
Ўйнаб емоқ одат мушукка.  
Шоҳларнинг ҳам кўнгли, ё Эгам,  
Мойил экан шундай «қўшиқ»қа!  
Яқинларни тўплади Султон,  
Берунийни кута бошлади.  
Тадбирини қилдию аён,  
Кула-кула кўзин ёшлади:  
«Эмиш, ўша хоразмлик зот  
Ўқир эмиш кўзлардан маъно!  
Ўқир эмиш хаёлни ҳам бот,  
Айтар эмиш янглишмай асло!»  
Ўйлаб боқсанг, баъзан кишига  
Ҳайрат солар ўтмишда бир ҳол.

Хукмдорлар ҳамма ишига  
Аҳмоқларга очдирдилар фол:  
Йиғилганлар лол ва фархунда  
Фазнавийнинг топқирлигига.  
Қолган ишлар баҳоси бунда  
Турмас эди ярим мирига...  
Кутардилар улар ҳам сармаст,  
Топилди деб масхара, эрмак.  
Нодон қулга гўё эрк эмас,  
Хўжасининг шодлиги керак!  
... Тугаб борар Султоннинг сабри,  
Учқунланар кўзлари беҳис.  
Ниҳоят, ул «Хоразм фаҳри»  
Фазнавийга келди юзма-юз.  
Ана, турар у — тоза хилқат,  
Кўзларида кўкдай тубсизлик.  
Чехрасида порлар бешафқат  
Қатъий сабот, мужассам ўзлик:  
«Султонларга биздан не даркор,  
Тинч қўярми ахир бу золим?  
Дил хушлаши учун ҳукмдор  
Энди керак бўптими олим?!»  
Сукунатдан қўрқарди аммо  
Фазнавийнинг қаттол юраги, —  
Қаҳ-қаҳ урди ваҳмини гўё  
Кулку билан бекитган каби:  
«Эшитдимки, сен бир сеҳргар,  
Ўқирмишсан кўзлардан маъни.  
Биз не хаёл сурсак-да агар,  
Топармишсан янглишмай ани...»  
Теграсига назар солди у.  
Аъёнлари қотгандилар лол,  
Турардилар кўксига ғулу —

Бўрон кутган япроқлар мисол,  
«Эй сеҳргар! Қани яқин кел!» —  
Ер депсиниб ҳайқирди Султон.  
Титраб кетди ўн икки қандил,  
Титраб кетди ўн икки айвон...  
«Хўш! — деб яна турди ўрнидан.  
Нени хаёл этишимни айт!  
Эшикларнинг қайси биридан  
Ҳозир чиқиб кетишимни айт!»  
Ва шу лаҳза тўқнашди бирров  
Икки сиймо — икки хил нигоҳ.  
Тўқнашгандай сув билан олов,  
Тўқнашгандай ўпқон билан тоғ.  
Балки осмон бўлгандир талаш,  
Тўқнашгандир унда тун ва тонг.  
Шу ўтлуғ зум, шу оловқараш  
Лекин мангу этади давом...  
...Ғазна узра бўй чўзмишди бот  
Ҳайбатли ва қўрқинчли сарой.  
Бундай шиддат, бундай маҳобат.  
Бағдодда ҳам йўқдир ҳойнаҳой.  
Ичкараси ваҳм бир дунё,  
Ўн иккита эшиги бордир.  
Ўртада тахт... Ғазабнок сиймо...  
Теграсида ўн икки қандил...  
«Қоғоз, қалам!» — дер Абу Райҳон,  
Нелар нидир ёзар мук тушиб.  
Теграсида аъёнлар, султон...  
Теграсида ўн икки эшик...  
Сал ўтмаёқ ёзганини у  
Ғазнавийга узатди сипо.  
Султон эса хатни олди-ю,  
Жимжит бўлиб қолди бир асно.  
Аъёнлар ҳам ҳайрон: «Бир нави

Келармикан жавоблари мос?»  
Ўқимади хатни Ғазнавий.  
Заҳарханда илжайди, холос.  
«Хўш, топдим де?!» Бирдан кўзғолиб,  
Навкарларин чорлади тезкор.  
Ва ўн икки эшик ҳам қолиб,  
Йўл очдирди буздириб девор!  
Ғолиб назар, девкор юриш-ла,  
Шул «эшик»дан чиқиб кетди у.  
Тез қайтди-ю, хатни ўқишга —  
Вазирига фармон этди у!  
Не бўлди деб, хўш ундан кейин,  
Ўтирмайлик, дўстларим, қайтиб.  
Ул хатда не ёзилганлигин,  
Мушоҳидлар кетганлар айтиб:  
«Кимнинг агар бор тахти-тожи,  
Куч-қудрати тагин устувор, —  
Қай томонга юз бурса — ҳаждир.  
Қай томонга шаҳд этса — йўл бор!»  
...Ғазна узра бўй чўзганди бот  
Хайбатли ва қўрқинчли сарой.  
Бундай шиддат, бундай маҳобат  
Бағдодда ҳам йўқдир ҳойнаҳой.  
Ичкараси ваҳм бир дунё,  
Энди ўн уч эшиги бордир.  
Ўртада тахт... Ғазабнок сиймо...  
Теграсида ўн икки қандил...

\* \* \*

Хаёлимда яшар бир наргис,  
Алвон-алвон тонг ваъда этар.  
Лекин унинг алвон рангини  
Тонгда қуёш олар-да кетар.



Хаёлимда яшар бир наргис,  
Юлдузлардан хидлар жам этар.  
Осмонимнинг хуш хидларин ҳам  
Дайди еллар олар-да кетар.

Хаёлимда яшар бир наргис,  
Сийнасини болга кон этар.  
Дунё кўрган арилар буни  
Кўрмай ўтмас — олар-да кетар...

Хаёлимда яшаса ҳам ул,  
Яшолмади дахлсиз буткул.

---

---

## «ҚУЁШ СОАТИ»

(1974)

### НАСРДАГИ НАЗМЛАР КИТОБИДАН

«Чиқ-чиқ-чиқ...» Бу соатнинг товуши. Деразадан Баҳор салтанати кўринаётир — Ховурланиб ётган хув тупроқда, бўғотдан узилаётган қатрада, ҳавода, танамизнинг ҳар бир ҳужайрасидаги туйғуда гўзал ва чексиз ҳаёт қайнаб ётибди. Ҳаётнинг мангу, борлиқнинг боқийлигига буткул ишонаман!

Ҳаёт фурсат мисоли поёнсиз ва илинжсиз экан, ўлим ўзи нима, қаерда бошланади?!

\* \* \*

Дарё гоҳо тўлиб-тошса, қирғоқ бузиб тикка йўл солиб кета бошласа, бу унинг хатосидай бўлиб кўринади бизга!

\* \* \*

Яшашни ўргат менга, эй қаламча кўчат!  
Сени кўрганымда лабларим тарс-тарс ёрилди!  
Қирқилган вужудинг ердан қарз олиб ҳамки,  
ҳаётга интиляпти.

Мен эса томирларимда гуркираб ётган ҳаётимни ҳеч кимга бахш этганимча йўқ. Эй қаламча кўчат, менга яшашни ўргат...

\* \* \*

Қадимда жонидан тўйган кишилар ўзларини дарёга ташлаб мангу «ором»га эришганлар. Кеча мен қирғоқнинг ўзи ҳам оқим шахдидан емирилиб, сувга «тап-тап» қулаётганини кўрдим.

Амударё! Нега сувларингнинг бўтана эканини биламан: Бу аслида лойқа эмас, оқимга дош беролмай йиқилганларнинг вужудлари!!

\* \* \*

Гурлан хақида шундай афсона бор. Бу ерда бири кўр, бири ланг икки одам яшаган экан. Кўр лангни кўтариб юрар, ланг унинг елкасида ўтириб олиб йўл кўрсатар экан... Тирикчиликни шундай ўтказарканлар...

Гурлан — бу ўша ўтмиш кишиларининг номи, мозийдан бизга эсдалик. Ҳаёт...

\* \* \*

Ўргимчак тўрага тақлид қилиб яшарди Пашшаой. Ўргимчак тўранинг катта-катта тиниқ кўзлари, мағрур салобати, узоқ вақт оғир сукутда тура олиши, ўзининг ипак йўлларида назокат билан қадам ташлаши, мардлиги — ҳамма-ҳаммаси Пашшаойнинг юксак идеаллари, орзуси эди... Буниси у ҳеч кимга айтмас, у ҳақда гапиришни ҳам ўринсиз деб билар, Ўргимчак тўранинг номига номуносиб сўзлар ишлатиб қўйишдан қўрқарди.

Ё фалак! Бир куни... Пашшаойнинг юракчаси ёрилиб кетай деди. У Олий ҳазратлари томонидан зиёфатга таклиф этилган эди.

Бормасинми, оҳ?! Борди! Бу ерда ҳамма нарса гўзал эди! Пашшаой ҳаяжонланар, Ўргимчак

тўра билан ёлғиз ўтирганидан тили тутилиб гапира олмас, нафаси сиқилиб борар эди. У буни билдирмасликка тиришар, лекин борган сари негадир ҳолдан тояётган эди.

Пашшаой ўзининг кўринмас бир тузоққа тушиб қолганини, ўлаётганини жуда кеч пайқаб қолди. Жуда кеч... Лекин шунда ҳам миқ этмади, фақат жони чиқаётган пайтда бир сўз дея олди, холос:

— Ўлсанг ҳам энг ишонган кишининг алдовидан ўлма экан!..

\* \* \*

Ўзининг ҳақлигин бирон марта ёқлай олмаган одам бошқани ҳимоя қила олмайди.

\* \* \*

Эшикнинг тутқичи гердайди: «Мен жаҳон эшикларини очгувчиман».

\* \* \*

Котлован лабига жуда яқин келибгина экскваторни кўрдим. Ўзини «мана мен!» демасдан ҳам тоғ-тоғ ишлар қилиб кўйибди.

У ўз ишига чуқурлашгани сайин меҳнати олисроқдан кўринмоқда эди.

\* \* \*

Феруз саройида мақом кечаси давом этар, куйлаётган ҳофиз ақлу ҳушлар ҳоқими эди. Мусиқа тугаган захоти хон: «Жаллод!» дея хайқирди. Ҳамма лол эди. Қўшиқчига дарра тортилди.

Эртасига бунинг сирини сўраганларида, ёш хофиз кўшиқнинг қайси бир пардасидан чала урғу билан ўтганини тан олди.

\* \* \*

Светлов шеърга мисралар сонига қараб эмас, шеърлигига қараб ҳақ тўлашни тавсия этган эди. Демак:

— Салом талант! Салом меҳнат! Салом мангулик! Хайр гонорар!!!

\* \* \*

Гоҳида ўлим шуҳратга сабаб бўлса, гоҳида шуҳрат «ўлдиради...».

\* \* \*

Ўзи ҳақида турфа-турфа эртакнамо гаплар тарқатиб юрган бир қаламкашни биламан. Ундан жирканаман: Шеър ҳомиласи унинг юрагида эмас, гўё оёғида пайдо бўлади...

Адабиётни ҳеч бўлмаганда «ОДОБИЁТ» деб тушунса эди.

\* \* \*

Машхур бир киши ҳаваскоргина бир қаламкашнинг нарсаларини кўрмоқда эди. Мен «устоз»га четдан қараб, вазоҳатидан «мана ҳозир бўш жойини топаман-ку, мана ишкали чиқиб қолади-ку!» деган ўта дидсиз бир ишбилармонликни ўқир эдим. Лекин ул «зот» сусайгандан сусаяр, башарасининг қаеридадир такаббурлик аломатлари йиғилмоқда эди.

— Ҳа-а... Умуман... — деди у ўқиб бўлгач.

...Эҳ! Шундай «умуман»лар қачон йўқолади, шундай «умуман» одамлар-чи?!

Гўзалликни кўрганда беихтиёр чапак чалиб юборадиган кишиларни соғинаман.

\* \* \*

Кўз — топади. Баъзан, яширади ҳам!

\* \* \*

Мансаб баъзан ноёб бир истеъдоднинг зомини бўлиб қолса, баъзан бутунлай бўм-бўш кимсада, фавқулудда талантни очгандай бўлади.

\* \* \*

Унинг бутун вужуди қорнига — нафсига бўйсунади, у — халта.

\* \* \*

У киши катта иш қилишдан кўра, катта ишда туришни яхши кўрарди.

\* \* \*

Қиз қалби гўё дераза шишаси. Олисдан минг термил, ичкарини кўролмайсан. Кўп яқинлашаверсанг эса нафасинг тегиб хиралашади.

— Деразанга яқинлашяпман...

\* \* \*

Изҳор этилмай қолган севги — ўтқазилмай қолган кўчат.

\* \* \*

Хоразмда тоғлар йўқ эмас, бор: — Хоразм тоғлари воҳани тонгда қуёшдан тўсиб қўймаслик учун одамлар қиёфасида яшашади!

— Хоразмий, Беруний, Паҳлавон Маҳмуд,  
Огаҳий, Ҳожихон...

\* \* \*

Баҳорда гуллаш билан бирга... чириш ҳам  
бошланади. Агар кўкармасанг, чирийсан!

Эндигина тили чиққан қизиллаб қизғалдоқ  
шабадада чайқалиб ёнбошидаги сағанани туртди:

— Ҳой, турсанг-чи, баҳор келди-ку!

\* \* \*

— Эркинлик нима?

— Интилмоқ, курашмоқ!

— Имкон бўлмаса-чи?

— Ҳамма имкониятларга курашиб эришасан.

Курашдан ташқаридаги ҳаёт (агар бу ҳаёт бўлса,  
бўшлиқ...)

Демак, эркинликнинг яшаш қонуни — ку-  
рашмоқ!

\* \* \*

Одамлар бир-бирларига қараб ўзларини рост-  
лайдилар.

\* \* \*

Душманнинг хатоси доно қилади, дўстники  
адо...

---

---

## «ЁНАЁТГАН ДАРАХТ»

(1977)

### СИРЛАРИМ

Ўйнашиб бармоқларинг  
Бир-бир кўзимни ёпсалар,  
Севгидан роз айлайин  
Тонг қушлари учган маҳал.  
Куйлайин осмон тўлиб,  
Куйлайин оламга ман, —  
Сен агар машшоқ бўлиб,  
Най агар бўлганда ман!

Она юртим ҳуснига  
Мот бўлиб, кўнгил қўйиб,  
Хар уруғнинг кўксига  
Мавж ийиб, ғулу ийиб,  
Бўлса ким ғафлат паноҳ,  
Тошқин солардим унга ман, —  
Сен агар бўлганда тоғ,  
Сой агар бўлганда ман!

Тонгда қуёшнинг шуъласи  
Шабнамда излар туйғулар.  
Тоғда охулар галаси,  
Дилда сеҳрли чолғулар...  
Ўқ тиқай қалбин ўйиб,  
Ҳиссиз киши кўрганда ман, —  
Сен агар сайёд бўлиб,  
Ёй агар бўлганда ман!



Ойки минг йилдан буёқ  
Ердан йироқ кетмас, нечун?  
Билмагай, бағри қуроқ —  
Ул ўзгага боғлиқ учун!  
Етмай ўз бахтимга то,  
Киргай эдим минг жангга ман,  
Сен агар бўлсанг само,  
Ой агар бўлганда ман!

Энг муқим тинчлик учун,  
Энг гўзал севги учун,  
Энг асил дўстлик учун,  
Энг нафис сезги учун  
Ҳар қадах ичра ниҳон  
Ёғду бўлардим лоларанг, —  
Сенки соқий замон,  
Май агар бўлганда ман!

## ЁНАЁТГАН ДАРАХТ

Тунда яшин тушди боғнинг четига,  
Зулмат бойўғлидек чекинди карахт.  
Вулқондек портлади қоронғуликда  
Ёнаётган дарахт!

Салобатли яшил салтанат эди,  
Эркин қушчаларга зангор пойитахт.  
Учқунлардек тўзитди қушларини  
Ёнаётган дарахт!

Нега, нега ёнди?! Кечқурун бехос  
Булутлар гулдираб қилгандилар жаҳд, —  
Уйғоқ эди, ўзи илк зарбни олди  
Ёнаётган дарахт!

Ана, ёнар, ёнар тунгра ўчма-ўч,  
Юракдай потирлар хар барг оловсахт.  
Огоҳ этаётир ўз боғин хавфдан  
Ёнаётган дарахт!

Дарахтлар ёнмоқда бугун дунёда,  
Ёниб, ўзгаларни уйғотмоқ не бахт!  
Дўстларимдир барча ёнаётганлар,  
Юрагимдир — ЁНАЁТГАН ДАРАХТ!

### **ФАФУР ФУЛОМ ХОТИРАСИ**

Самовотда қора нур кўпдир,  
Қуёшдан ҳам у беҳад катта.  
Дунё излар шуълали тақдир,  
У кўникмас асло зулматга.

Кўмилганда ерга, ҳатто дон  
Тарс ёрилар ўтмайин ҳафта.  
Жисмин отар осмонга томон,  
Кўникмайди у ҳам зулматга.

Ер тубинда ётадир тоғлар,  
Ёғду кенглик излаб шиддатда.  
Портлар бир кун олов булоқлар,  
Кўникмаслар тоғлар зулматга.

Сен қуёшни куйлаб яшадинг,  
Сен яшадинг нурга хизматда.  
Нега йўқсан?! Жанггами кетдинг  
Ер остида қолган зулматга?!

### **ОГАҲИЙ ҲАЗАЛИГА МУҲАММАСИ МУЛОҚОТ**

Кўклам эди. Жунбуш келиб ўю хаёл, ёд устина,  
Рухин зиёрат этгали бордим мен устод устина,



Мен хастага жон асрамоқ эмди эрур душворким,  
Қотил кўзи бедод этар ҳар лаҳза бедод устина!»  
Тез пок ўлуб осмон юзи, дилларда ҳам  
кетди кадар,  
Чаҳ-чаҳ билан қушлар келиб, юз очди  
гуллар бехатар,  
Сухбат фалак мавзусига кўчгайми деб  
солсам назар,  
Ул... гул юзи шавқи билан шайдо кўнгул  
шому сахар,  
Булбулдек айлар юз наво минг наъви  
фарёд устина!

«Минг ёр демак бирлан, дедим, жоми  
висол бир тўлмоғой,  
Ҳақдин карам йўқ, у бизим орзулара қотилмоғой!»  
Лутфимга ул зот айтди: «Қўй, дардим  
санга эш ўлмоғой,  
Бошимга ёққан ғам тошин мингдан  
бирича бўлмоғой,  
Гардун агар минг бесутун ёғдирса  
Фарҳод устина!»

«Сўз йўқ, дедим, сурмак қийин  
дилдан дила ишқ рахшини!»  
«Чўнг ҳам чуқур фикр эт, деди,  
тингларда шоир, Бахшини!»  
Ишқ ҳақинда шеър битиб — шоҳларга  
айтганман шуни:  
«Эй шаҳ, карам айлар чоғи тенг тут  
ёмону яхшини,  
Ким меҳр нури тенг тушар вайрона  
обод устина!»

«Обод замон, тенглик, дедим,  
турмуш гўзал, қушдек кўнгил...»  
«Ўғлон, деди, бу ларзагор очунга кенг  
наззора қил,  
Олам билан бўй ўлчашиб кўрмай ҳаво  
эттингми, бил,  
Хоки танинг барбод ўлур охир  
жаҳонда неча йил  
Сайр эт Сулаймондек агар, тахтинг  
қуриб бод устина!»

Бирдан тилимни тишладим, изза  
боқиб ён-вергаким,  
Даркорми сўз устозларинг сўз айтмаган  
бир ердаким,  
Бор журъатинг, ёзгин, Омон, юртинг  
овозин шеъргаким,  
Не журъат ила Огаҳий очгай офиз сўз дергаким,  
Юз хайли ғам қилмиш ҳужум ул  
зору ношод устина!

## ГЎДАК ФЕЪЛИ ДЎСТИМГА (ҳазил)

Гўдак тасавури — тасаввуримиз,  
Гўдак тафаккури — тафаккуримиз.  
Йўқса, ҳар қадамда нечун хатолар,  
Нечун шунча йиғи ҳам илтижолар?!

Гўдак тасавури — тасаввуримиз,  
Гўдак тафаккури — тафаккуримиз.  
Йўқса, не учундир бунча тўймаслик,  
Не топсак, сўргичдек қўлдан қўймаслик?!

Гўдак тасавури – тасавурумиз,  
Гўдак таффақури – таффақурумиз.  
Йўқса, надин ҳар ён қўғирчоқ назар,  
Надин бирни суймоқ, бировдан – ҳазар?!

Гўдак тасавури – тасавурумиз,  
Гўдак таффақури – таффақурумиз.  
Йўқса, нима учун катталар зинҳор  
Не десалар шуни қиламиз такрор?!

Гўдак тасавури – тасавурумиз,  
Гўдак таффақури – таффақурумиз.  
Йўқса, не учундир шунча овутмоқ,  
Шунча алдаб, шунча уйқуда тутмоқ?

---

---

**«ЯРАДОР ЧАҚМОҚ»**  
(1979)

\* \* \*

Киши кайфияти, руҳига қараб,  
Гул ҳам бажаргандай турли хил хизмат,  
Китоб ҳам шунақа, ўқиб чиққанда  
Минг киши уқади минг турли ҳикмат.

Энг кўҳна ривоят, афсоналардан  
Ўта замонавий романгача то,  
Кузатдим ғалати бир мантиқни мен,  
Сескандим бир нима дейишга ҳатто.

Мана, Навоийнинг «Фарход Ширин»и,  
Парвозга обқочар дилни ҳар сўзи.  
Бирдан пайдо бўлар Ёсуман кампир,  
Ҳамма ишни бузиб, даф бўлар ўзи.

Дейлик, мана Яго, бадкирдор кимса,  
Унга нафрат ўқир асрлар инсон.  
Қилгуликни қилиб, асар сўнггида  
Жазо-пазо олмай бўлади гумдон.

Эсланг «Фауст»даги Мефистофелни,  
Буюк инсонларни қўйган балога.  
Бутун бир авлодни чалғитиб йўлдан,  
Ўзи қочиб кетди арши аълога.

Ким оҳ тортмас эслаб «Ўткан кунлар»ни,  
Отабек, Кумушнинг ўйлаб қисматин.  
Шунча фожиага сабабчи бўлиб,  
Дев урмай, соғ қолди қўшмачи хотин.

Булар ким?! Ҳар давр, ҳар воқеада  
Ўзига ўзгача бердириб сайқал,  
Баъзан бир асармас, ҳатто бир халқнинг  
Тақдирин ўзича этадилар ҳал.

Улар биз билгандай, балки кўпмасдир,  
Балки бир одамдир қув ва устомон —  
Замоннинг зайлига қараб ҳар ерда  
Турли қиёфада бўлар намоён?!

Ишқилиб, ўқувчи яхши билади  
Минглаб шундай шахс, шундай жонларни,  
Ёзувчи уларни кўпда унутар  
Мадҳ этиб асосий қаҳрамонларни.

Балки шунинг учун улар соғ-омон  
Китобдан-китобга кўчиб юрарлар?!  
Кичкина, хушгина кўриниб кўзга,  
Таъқибдан, жазодан қочиб юрарлар?!

Мен бугун китобдан мисоллар олиб,  
Атрофга, ҳаётга боқмадим атай.  
Балки улар кўпдир теграмизда ҳам,  
Балки ҳаётда ҳам яшашар шундай?!

Бу бошқа масала!  
Азиз ўқувчим,  
Қай тақдирни ёзманг, қайси замонни,  
Шуларга кўз-қулоқ бўлинг, илтимос,  
Шулар ўлдирмасин Бош қаҳрамонни!



\* \* \*

Йиғладинг-у... кулдинг.  
Бўрон босилди:  
Кумуш кўл юзида  
Қалқди икки ой.

Йиғладинг-у... кулдинг.  
Тинди қуйқум сел.  
Майса ўтлар расмин  
Сола кетди сой.

Йиғладинг-у... кулдинг.  
Булутлар ариб,  
Майсаларга тўлди кўк,  
Қушга тўлди боғ.

Йиғладинг-у... кулдинг.  
Кўзларингда бирдан  
Яшай бошладилар  
Сув ва чўғ  
Иноқ.

\* \* \*

Сен кетурсан, изингдан —  
Мен боқурман жим, жим.  
Менга қолди кўзингнинг  
Қаролиги тим, тим.

Қаро энди кунларим,  
Қаро энди қисматим.  
Кўзим қароғида ҳам  
Ёшим энди лим-лим.

Бул қаролиф — тун эмас,  
Юлдузларни кўзласам.  
Бўрон дарагидир бу,  
Ҳавосидир дим, дим.

Келмас энди қалдиروق,  
Чақилмас энди чақин.  
Юраклар гунг кеча бу,  
Йўл кўрсатур ким, ким?

Ўтди севги, ўтди дард —  
Кўчаётган қушлардек.  
Кетмоқдасан жим, жим,  
Қолмоқдаман жим, жим.

## АЙРИЛИҚ

Илк оғоч гуллади Қримда,  
Олмага ўхшатдим тусидан.  
Тонгнинг кўнгли гўё ёришди  
Шу учми-тўрт гулнинг исидан.

Бу оғоч кимнидир соғинган,  
Бошига гулбаргак тақмоқда.  
Сахардан уйғониб, қайгадир —  
Оёғи учида... боқмоқда.

Тошкентда тонг отди қачонлар,  
Сен унда соатни тезлайсан.  
Шошасан зангори қутига  
Чўзилиб... оқ конверт излайсан.

\* \* \*

Мехр кўзда эмас, мен билдим, билдим,  
Мехр кўзда деган гап бир оз хато.  
Кўз гўё ойна кўл — акс этар унда  
Осмоннинг бағрида не бўлса пайдо.

Мехр кўзда эмас, мен билдим, билдим,  
Мехр кўзда деган гап бир оз хато.  
Кўз гўё яхмалак, сирғанар ундан  
Худди нурдек енгил тоғ, водий, дарё.

Мехр кўзда эмас, мен билдим, билдим,  
Мехр кўзда деган гап бир оз хато.  
Мехр хотирадир бизга кимдандир,  
Кўз юмсақ биздан ҳам шу қолар танҳо.

Мехр кўзда эмас дедим ва лекин  
Бордир мехр кўзда дейишда маъно.  
Юракдир кўзларда акс этган асли,  
Ўшандан ёруғдир, ёруғдир дунё!

---

---

**«СЕНИ ЯХШИ КЎРАМАН»**  
(1983)

**ХОРАЗМ РАҚСИ**

Давра олинг, ўйноли,  
«Лазги» чалинг, ўйноли,  
Ларза солинг, ўйноли,  
Ўйнаб қолинг, ўйноли!

Бу — навбаҳор, ўйноли,  
Сайради тор, ўйноли.  
Ўртада, ёр, ўйноли,  
Дил интизор, ўйноли!

Сабо бўлиб ўйноли,  
Дарё бўлиб ўйноли,  
Зиё бўлиб ўйноли,  
Дунё тўлиб ўйноли!

Боқиб ҳар ён, ўйноли,  
Қочсин ёмон, ўйноли,  
Замон-замон, ўйноли,  
Омон-омон, ўйноли!

\* \* \*

Қўшжонов домланинг уйда  
Ўрик бор яхши нав, чайир тан,  
Авжи тик, савлатдор, кенг бағир,  
Бир шохи сал ерга қайрилган.

Шу шохча ҳақида шеъримиз:  
Баргидан кўп мева тугади.  
Шундан у осмонга ўрламас,  
Юклари заминга эгади.

Йўлакка солланган денг ўзи,  
Кирганнинг нигоҳин қилар банд,  
Болалар бир сакраб тўяди,  
Қўл калта ёшлар ҳам бахраманд.

Синмасин, ўзини тутсин деб,  
Домламиз уни кўп ёқлаган.  
Чўп ёстиқ қўйиб сўнг сим билан  
Баландроқ бир шохга боғлаган!

Меҳрни туйди у — тез ўсди,  
Куч инди шу нимжон шохчага.  
Одамни кўтарар у бугун,  
Кўрк кўшди бу кўркам боғчага.

Ха, бугун ул ўрик комил, чўнг,  
Боқсанг кўз шукуҳга тўлади.  
Энди ҳув тепага тортилган  
Симларни қирқса ҳам бўлади!

## **КЛОД МОНЕ ЧИЗГАН МАНЗАРА**

*Асқад Мухторга*

Қаер бу?!  
Оқ-кулранг бўшлиқ.  
Буғ.  
Туман.

Ё туз конларими?!  
Балки юпқа қор?!  
Ё оҳор чапланган қуруқ холст, бўз?!  
Аниқ эмас. Лекин нималардир бор!

Бошқа залга ўтиб кетди ҳамроҳлар.  
Билгим келди бу лавҳ сирин, англагим.  
Ўриндиққа ботдим.  
Ёнимга чўкди  
Чет тилда гапирган яна аллаким.

Сукутда,  
Унутиб атроф-оламни,  
Идрокни ёритиб қабатларини,  
Аста илғай бордим оқ-кулранг сатҳдан  
Ажиб манзаранинг жиҳатларини.

...Нафис тонг ипаги.  
Титроқ симоб кўл.  
Ой нурин ёпинган боғ тинч уйқуда.  
Кўлда эса акси...  
Бу гўзалликни  
Бир не бузмаса деб қотдим кўрқувда.

Йўк, йўк!  
Бу илоҳий ҳаё гўшасин  
Рассом зап бекитган бериб ранг ўйин.  
Бу шошқин одамлар, бу тезкор аср  
Унга етиб бориши қийин!

*1979, Нью-Йорк, Метрополитен музейи*

# СЕНИ ЯХШИ КЎРАМАН

## 1

Сен оппоқ кўйлақда  
                                қорасоч —  
Тушимда кўриндинг ёш пари  
Ва бор-йўқ хотирот оламим  
Чекинди руҳимдан ташқари.

Ким бўлдинг? Танимни осмондан  
Қуёшга нур қилиб элатган!  
Ким бўлдинг? Муद्रоқ бу танамда  
Саноксиз дарахтлар гуллатган!

Бу сенсан, муҳаббат, танидим,  
Ўйлаган, кутганим, деганим.  
Лекин сен, наҳотки, билмадинг,  
Бу — бир туш, уйқуда эканим?

На орзу этолмай бир бўса,  
Изҳорга на бир сўз узилмай,  
Туш бирдан узилди...

                                Армонлар  
Қолдилар қатлари бузилмай.

Лекин сен келишга ваъда бер,  
Майлига, тушимда, бир замон —  
Муҳаббат, мен сени кутаман,  
Кутаман, уйғонмай ҳеч қачон!

## 2

Ўқий олмас бўлдим китоблар,  
харфлар кўзга аранг кўринар,

фақат сенинг чехранг кўринар,  
сўзлар достонидан кетиб.

Чаман кезсам энди тинчим йўк,  
на капалак, на ранг кўринар,  
фақат сенинг чехранг кўринар  
гуллар бўстонида кетиб.

Оқшом кўзни юмсам ҳам шу ҳол,  
кўкда ялт-юлт бир жанг кўринар,  
фақат сенинг чехранг кўринар,  
юлдуз осмонидан кетиб.

Муҳаббат деб келдим дунёга,  
ошиққа ер-кўк танг кўринар.  
фақат сенинг чехранг кўринар,  
дунё хар ёнидан кетиб.

### 3

Тақдир, нега ишқнинг икки юлдузин  
Бир қутлуғ айёмда этдингу бунёд,  
Қуюн, чочинларга ташладинг бизни.  
Тиниқ бир осмонда қўймадинг озод?!

Тақдир, нега бизни замондош айлаб,  
Бир ҳаёт тузини кўргизиб баҳам,  
Бир бор тўйдирмадинг лекин дийдорга,  
Уни ҳам, мени ҳам этмадинг хуррам?!

Нега бир тупроқда бериб таваллуд,  
Бу жаннат диёрда бор этиб бизни,  
Ер ости, ер устин ганж этдинг,  
лекин  
Айтишга қўймадинг энг муҳим сўзни?!



Нега бу минг йиллик номдор шаҳар —  
Бағри Шарқу Ғарбга очиқ бир макон, —  
Тоғиб беролмади иккимиз учун,  
Ё бир йўл, ҳеч қурса, битта ошиён!!

Чақин, камалаклар дарғаси тақдир,  
Қисматлар қомусин битганинг маҳал,  
Аввал юракларга боқ, титраб турган,  
Муҳаббат йўллари рагон эт аввал!

#### 4

Кўп кезма дарахтзор боғлар ичинда,  
Дарахтлар дил дўстинг бўлолмас сенинг.  
Чорласанг келолмас, ёниб қучолмас,  
Сен фақат менинг бўл,  
меники,  
менинг.

Кўп қолма жаранг сув булоқ бўйинда,  
Булоқ ҳам дил дўстинг бўлолмас сенинг.  
Қайнашим чашмадан теран жойдандир,  
Сен фақат менинг бўл,  
меники,  
менинг.

Кўп титма муҳаббат китобларини,  
Китоблар дил дўстинг бўлолмас сенинг.  
Бу ишқнинг тарихи менинг қалбимда,  
Сен фақат менинг бўл,  
меники,  
менинг.

#### 5

Турмушнинг йўриғи боис гоҳида  
Қутганларинг қилмас саховат, карам.

Шундаям орзуим ўзинг бўлгансан,  
Қишдан яратганман ўзига кўклам.

Бир кунлик насиба пойида қушлар  
Ерга минг бор чумдук урсалар сарсон  
Мен кутдим лабингдан бир тотишни зор,  
Сўнг минг йил яшай деб масту беармон.

Кундуз — ҳамма нурдан кўзи тўқ чоғлар  
Юлдузларни ҳеч ким олмас ёдига!  
Сен сиёҳ сочингни ёй учқунлатиб,  
Кундуз ҳам туш кўрган ошиқ отига...

Ким қандай кун кўрса кўрган замон бу,  
Шоирнинг ҳолидан кулма, илтимос:  
Хаёлдир ягона овунчи унинг,  
Тириклик манбаи орзудир, холос.

## 6

Қуёш тонг олдида қизарган каби,  
Фунчалар қисиниб юз ёрган каби  
ийманиб келасан,  
очилолмайсан:  
«Анавилар бор-да, ўшалар...» дейсан.

Қўлингда Зухрадан гўё бир хат бор,  
гўёки Лайлидан мерос қисмат бор,  
минг йиллик ёзғутдан қутулолмайсан:  
«Анавилар бор-да, ўшалар...» дейсан.

Азизам, юлдузлар фалакда бахтли,  
инсон ўз қалбида —  
юракда бахтли...

Сен сира ўзингни нурга солмайсан:  
«Анавилар бор-да, ўшалар...» дейсан.

Гулим, «ўша»ларга ўчма-ўч очил,  
Сенинг учун бугун боғлар бўш, очил!  
Уларни қўявер, улар қолмаслар,  
Чунки бизлар каби сева олмаслар!

## 7

Турналар учди,  
Булутлар кўчди.  
Оғочларнинг барглари  
Ерлара тушди.  
Ғамгин кўрдим сени бу кез-а,  
Баҳорингни бермагил куз-а,  
Табассум қил!

Нечун ой йўқдир,  
Нурга жой йўқдир.  
Ёшли кўзинг бор,  
Жўшқин сой йўқдир.  
Ғамгин кўрдим сени бу кез-а,  
Ёш ярашмас бу чакмоқ кўз-а,  
Табассум қил!

Жавобсиз сўзим,  
Зор ўлди кўзим.  
Дардинг надир, айт,  
Жон тутай ўзим.  
Ғамгин кўрдим сени бу кез-а,  
Ғам тушмасин бу ширин сўз-а,  
Табассум қил!

Қўзғолсин тоғлар,  
Чайқалсин боғлар.  
Қуёш юзиндан  
Йўқолсин доғлар.  
Фамгин кўрдим сени бу кез-а,  
Доғ ярашмас бу оппоқ юз-а,  
Табассум қил!

## 8

Ногаҳон деразам чертилар.  
Келган ким? Айни тонг не сазо!  
...Ёзаман деб хатлар,  
ёзмади.

Кимди у? Э, сенми, хуш сабо!

Сабожон, бор ўшал боғ томон,  
Гулларни гапга сол таманно.  
Келтиргил ифорли хабарлар,  
Бор, содиқ сирдошим, хуш сабо.

У бармоқ текизиб жунжиккан  
Муз булоқ устида бўл пайдо.  
Оппоқми сув ости тошлари,  
Сўзлаб бер, жон дўстим, хуш сабо.

Бор! Унинг дарчасини тўсгувчи  
ичковак толни эг, сол говға...  
Оқ қоғоз ётарми сўрида,  
ўсма-чи, қалам-чи, айт, сабо?

Фазони бўйлайди йўлдошлар,  
Ер билан сўзлашар Ой, Зухро...  
Шу яқин, сас етар бир жойдан  
Менга ҳеч хабар йўқ, хат... сабо...

## 9

Соғиндим мен сени.

Кўргим келади,  
Лекин айтолмайман ҳеч кимга буни.  
Шаҳар ғуж тош ўрмон. Бошимга тушган  
қуёшга талпинган оғочнинг куни.

Соғиндим. Кун-тунлар қатланди қалбда  
Рангин ипаклари соғинчининг.

Агар  
ёйсам йўллардаги симёғочларга  
зорланиб етарди Самарқанд қадар.

Соғиндим, жаҳонда балки ҳеч бир тил  
ҳижроним мукаммал ёзганмас ҳали.  
Қадим ёзмалардек ул кунлар йитди,  
бир сўзингни эслаш олам тасалли...

Дарахтман. Мен миллион япроғим билан  
боқаман зор титраб сен келар кунга.  
Соғиндим мен сени.

Кўргим келади,  
Лекин айтолмайман буни ҳеч кимга.

## 10

Мумкинми,

Мен бугун кетар чоғингда  
Эсдаликка бирон нарса сўрасам?  
Бир илинж истайди юрагим сендан,  
Фақат юпатмагил ва ичма қасам.

Энди учрашувлар бўлмас, биламан,  
Бир кунда тўрт фасл эврилмас энди.  
Ғийбат қашқирлари, ҳасад итлари  
Энди очдан ўлинг, кетинг, бас энди...

Мумкинми, мен сендан кетар чоғингда  
Эсдаликка бирон нарса ўтинсам?  
Узун қора сочинг кўздан узилди,  
Хўпми, узун тунга ҳамдард тутинсам?

Бир ўхшамас қилиқ қилсам ногаҳон  
Фир-фир ёш айланган ул кўзлар қани?  
Қани

ул киш, кузнинг захридан зада —  
Орзу қушларимнинг осуд маскани?

Сенга не бердимки, бу соат яниб  
Қалбимга бир овунч қилурман таъма?  
Кетма деб айтишга ҳаққим йўқ ахир,  
Хайр дейишга ҳам қўймас бир нима...

Чунки сергак, ёғду, хушвақт рух билан  
Мен туйдим, биламан, сезасан сен ҳам:  
Бизни учраштирди сирли бир Шодлик,  
Энди айирмоқда англаб бўлмас Ғам...

Илинж шул:

кўр тақдир ажратса ҳамки,  
Пинҳона қовушган икки туйғуни,  
Менинг юрагимдан узолмас асло  
Сендан ёдгор қолган нурли қайғуни...

## 11

Миллион жажжи фонус ёқди дарахтлар.  
Камалак. Яшиллик Ёмғир юз фоиз...  
Имон келтиргайман аммо —  
бу боғлар  
ёруғдир бизнинг-да севгимиз боис.

Ҳар ёғоч, ҳар шохни уйғотди Наврўз,  
гул билан қитиқлаб карахт танини.  
У сени кўрсатди менга.

Ва билдим  
юрагим қаерда жойлашганини!

Оҳ, баҳор! Заминнинг сўз эркинлиги!  
Майсалар қуйлашар кўкка ўрлашиб.  
Шу буюк қувончга жўр бўлдик биз ҳам  
Лабларим лабларинг билан бирлашиб.

Умр нима ўзи?

Имон келтирай,  
ҳикмат бу, баҳордек қисқа ва аён:  
Севги ила маъсуд онларни ўйла,  
асил умр шулдир. Қолгани — ёлғон...

---

---

**«ДАРАХТЛАР ВА ГИЁҲЛАР КИТОБИ»**  
(1984)

\* \* \*

Гарчи инсон умри фалақдан эҳсон,  
У бурчдир, у — нурга мангу эҳтиёж,  
Дўстим, тушларингни безасин ҳар тонг  
Пушкинона шуҳрат, пушкинона тож.

Шеър — бу қалбимизнинг ёнмоқлик касби,  
Ёзмоқ-чизмоқ, гарчи умум таомил.  
Замона котиби бўлсак басдир  
Пушкиндек хатти рост, Пушкиндек одил.

Севги — кўксимизда баҳор чалган соз,  
Ул сузгин қарашлар руҳнинг зийнати...  
Аёл шаъни учун энг юксак эъзоз  
Пушкин изтироби, Пушкин тийнати!

Зўр жангоҳлар чўмар сукутга оғир,  
Шоирнинг кўзлари — уйғоқ ғалаён.  
Элда изҳор эрк қолмаса охир,  
Пушкинона қудрат, ўзинг сол исён.

Даҳолик ҳаммага ёр бўлмас, аммо  
Паймонам тубинда қолса жиндек нур,  
Тақдир, сен яшашни менга эт раво  
Пушкиндек элсевар, Пушкиндек мағрур.



## НОЗИМ ҲИКМАТ ЗИНАЛАРИ

*Нозим Ҳикмат бир гал  
Тошкентга келганида нашриётга  
кириши лозим бўлиб қолди.  
Лекин бинонинг янги зиналари  
битмаган, ўрнига тахталар ташлаб  
қўйилган эди. Шоирнинг юраги  
ҳам анча чарчаб қолган пайтлар...  
Тўртинчи қаватга уни қўлда  
кўтариб чиқдилар.*

Уни элтар экан меҳрли қўллар,  
Оёқлар остида тахта лапанглаб,  
Хаёллар ичрадир менинг турк оғам,  
Хизр бобо янглиф ўзда нур жамлаб.

Бу зиналар гапми?!  
Мовийқўз устоз  
Азоб йўлларининг ўтган баридан —  
Турмалар, терговлар, ўч, разолатнинг  
Турфа қабатлари, зиналаридан.

Оҳ, сенинг тақдиринг!  
Озми жаҳонда  
Шоирга қатағон қилгувчи турклар?!  
Озми инқилоб, деб ё озодлик деб,  
Тилидан, элидан қувилган турклар?!

Қайдаки эркисизлик, хиёнат ҳоким,  
Касофат миршабдир, тулкилар тўра.  
Жаҳоннинг жамики сотқинларига  
Шоир ўт очишдан тинмайди сира.

Ўтмишдан келарми, келажакданми,  
Лаънат жаҳолатга!  
Сенга ҳам лаънат,  
Шоирнинг қўлини тишлаган кишан,  
Янғроқ сўзнинг ёви — бикқи сукунат!

Шеърият! Бардам бўл!  
Юксалмоқдамиз  
Сўнгсиз зиналардан! Қайтмасмиз изга!  
Бизга чўзилмоқда минглаб мард қўллар,  
Юраклар эргашиб келмоқда бизга.

## ҚЎШИҚ

*(Мирийга ўхшатма)*

Нечун бу куз сўлғиндир,  
Кўзинг ёшга тўлғиндир?  
На бўлганин айтмасанг,  
Билмадим, на бўлғимдир!  
Сен унда доғ бўлдинг,  
Мен мунда доғ қолдим.

Недин титрар сийналар,  
Надин аччиқ гиналар?  
Йўлимизга ёмонлар  
Сочди совуқ ниналар.  
Сен унда доғ бўлдинг,  
Мен мунда доғ қолдим.

Эй, ҳуснда биринчим,  
Эй, тишлари дур-инжум,  
Ёлғиз сенинг ўзингсан  
Бу дунёда илинжим,

Сен унда доғ бўлдинг,  
Мен мунда доғ қолдим.

Мен баҳор истаюрман,  
Сени зор истаюрман.  
Бир қарорга кел энди,  
Мен қарор истаюрман.  
Сен унда доғ бўлдинг,  
Мен мунда доғ қолдим.

\* \* \*

Дарахтлар ва гиёҳларнинг тарҳи файзини  
бир рисола этмоқ истаб,

        созлаб баётин,

обдан боқсам ўз умримнинг қабатларига  
мен яшабман ўшаларнинг рангин ҳаётин.

Ҳа-да!

Гоҳи, бўйтеракдек, дирдов қолибман,  
на гул ва на мева тугиб, ўз-ўзим билан.

Сал булутга баргларимни гизлаб тесқари,  
сал шамолга қўпорилиб илдизим билан.

Гоҳ ўрикдек, мевамдан то мағзимга қадар,  
юрақларга малҳам, даво йиғиб яшабман.

Гоҳ анордек, баҳорни «пов» ёниб қаршилаб,  
сал ёт назар тегса гулим тўкиб ташлабман.

Мен ток бўлдим.

Зангларимга заминдан шарбат,  
баргларимга оқ қуёшдан зиёлар солдим.

Ҳаёт барпо бўлгандаги алвон исёндан  
Кўнгилларга сархуш сурур, ҳаволар солдим.

Гоҳ шунчаки бир ихота — чақир бутазор —  
кўп йўлларни асрадим мен тўзса қор, довул.

Гоҳ ошиқлар талпингувчи мажнунтол бўлдим,  
гоҳ барханлар кўчкисини тўсган саксовул.

Ё иқлимлар кескинлашган чоғи юртимда  
юрагимга турфа қушлар қайғуси тушди,  
уларни ёз оловидан, қора совуқдан  
яширолдим — чўнг гужумлик бахти етишди.  
Гоҳ тут бўлдим.

Олам ипак киймаган учун  
гарданимга қайта-қайта каллак солдилар  
Гоҳ болалар лабида оқ марварид бўлдим,  
гоҳ кўксимни танбур учун ўйиб олдилар.  
Ўҳ-ҳў, агар санайверсам,

умрим шажари  
боғлар қаён, тоғу қирга бойланиб кетар  
ва қуш учар юксаклардан энди боқилса,  
олам яшил майсазорга айланиб кетар.  
Аҳолиси ниҳоят зич яшил салтанат —  
ялпиз, анғиз, исмалоғу бинафша, буғдой...  
Мавжланишим — денгизлардан қолган эсдалик,  
не музликлар эрингандир дардин ёргали,  
Тил чиқарсам гоҳ еримнинг дардин ёргали,  
қатқалоқлар қисувидан озурда жонман.  
Тонгнинг тиниқ дурларини тун чангалидан  
Омон олиб чиққанымдан — покман, омонман.  
Мен — майсаман, қитиқлайман товонларини  
болақайлар елкамда шод ўйнаган дамлар.  
Ҳа, гиёҳман — пойандозман барра ва юмшоқ,  
Тупроғимга офир ботмасин деб қадамлар.

---

---

## «ГАПЛАШАДИГАН ВАҚТЛАР»

(1986)

### АЁЛГА МАҚТОВ

Шоирга йўл бўлсин, сизни чизай деб  
бўёқ қуюлтириб турар рассомлар!  
Мукамал ҳуснингиз ёғдуси учун  
ой ҳам навбатчилик қилар оқшомлар!

Шоирга йўл бўлсин!

Куйлай деб сизни,  
бастакорлар юрар ёқа чоқ, тажанг:  
торни темирчига топширворгудек,  
ҳар жаранг устида қилиб неча жанг.

Эъзозингиз буюк!

Саркарда Бобур,  
жувонмард руҳлари бўлғай зиёда,  
қўшинда биргина от қолса, шунга  
сизни ўтқазгандир,  
қолиб пиёда...

Шоирга йўл бўлсин!

Сиздаги талъат,  
нозиклик кимларни ўйга солмаган?!  
Оққуш сувдан чиқмай, таранавериб,  
Бежиз бир оёқда ухлаб қолмаган!

Сиздай ясанмоқни истаб, қиш битмай,  
изҳорга лаб жуфтлаб ҳар бир куртаги,

Ўриклар чикдилар — бир тонг тўла гул,  
Нур кийди жамики боғлар юрдаги.

Шоирга йўл бўлсин, кечикди шоир  
бу инжа рақобат, нурли талошга:  
Ҳа, бизга ҳеч юмуш қолмабди энди  
Сизни жуда қаттиқ севишдан бошқа!

## **СЕНА БЎЙИДА ҚУШ БОЗОРИ**

Эйфель қовурғаси бўйлаб,  
Лифтлар ғуж-ғуж гимирлар,  
Сена суви тўрға тушган  
Балиқлардек жимирлар.

Мундоқ боқсанг, Эйфель ажиб  
Жимжимадор тўрқовоқ —  
Одам унда баландлар-у,  
Учиб кетолмас бироқ.

Пастда дарё ёқасида  
Қуш бозори растаси —  
Сайроқининг минг тури бор,  
Қафаснинг минг дастаси.

Бир ён кўча, бир ён дара —  
Эркин-ошқин оқади.  
Қафаслардан митти кўзлар —  
Жуфт умидлар боқади.

Баъзи қушлар сайраб-сақраб,  
Тортса агар эътибор,  
Баъзилари қунишган, жим,  
Ўз ҳолидан этиб ор.

Қуш бозорин кезган киши  
Бир ҳикматни кўп эслар:  
Қушлар учун ҳамма ерда  
Бир хил экан қафаслар...

## ОҚШОМ. ГАВЖУМ ПАРИЖ

Ярим тун.

Парижда беуйқу кезиб,  
Гавжум бир ҳаётни кўрдим ногаҳон,  
Гўё минг-минг рангли чироқлар тизиб,  
Кўкдан ерга тушган эди Қаҳқашон.

Томоша, базмга шопилган олам  
Парижни пойтахт этмиш чамаси.  
Кун бўйи нурланган мавжларин бу дам  
Кўчаларга солмиш Сена дарёси.

Бешарм фильмлар, шаҳват гуллари  
Қадамга, кўзларга зўрлик қилади,  
Катта бир шаҳарнинг даҳа-йўллари  
Гўё ҳаё учун торлик қилади.

Ҳеч тўй, ҳеч анжуман бўлмас беҳуда,  
Нега парижликлар бедор бу чоғлар?!  
Билсам, асил Париж хали уйқуда,  
Бу юрганлар эса — беғам сайёҳлар...

Не деб изоҳлашни билмадим буни,  
Лол кездим мен Париж кечаларида:  
Қизиқ-да, ўз халқи уриб уйқуни,  
Бошқалар сайр этса кўчаларида...

## СЕНДАН ХАБАР КЕЛТИРСА

Сендан хабар келтирса  
Мен ўпардим шамолни,  
Йўқ бўлса ҳам лаблари,  
Йўқ бўлса ҳам гаплари.

Сендан хабар келтирса  
Амударё, Сирдарё,  
Дердим, азиз диёрда  
Менинг қўш бахтим бор-да!

Сендан хабар келтирса  
Тилло патли қушчалар,  
Ишқ ёд айлағусим,  
Зўр қанот айлағусим!

Сендан хабар келтирса,  
Агар душмани, ёвим.  
Тил сўзга келмас бўлур,  
Гул бизга келмас бўлур.

Аммо орзуларимдан  
Туннинг умри қисқадир,  
Кўкка юлдуз қайтар,  
Осмона изим қайтар!



---

---

**«МИНГ БИР ЁҒДУ»**

(1989)

**МИНГ БИР ЁҒДУ**

**Маърифий дoston ёки**

**«Хамса»дан битиклар**

(дostonдан парча)

Олам муттасил айланиб, ўзини  
янгилаб турибди, лекин жуда кўп савол  
ва муаммолари ўша-ўша.

Буюк бобомиз ўзининг улугвор ижоди —  
тарихимизнинг, маданиятимизнинг, жаҳон  
адабиётининг гултожи бўлган буюк  
«Хамса»сида бу жумбоқларнинг деярли  
барчасига аниқ ва лўнда жавобни беш юз йил  
бурун тайёр қилиб қўйибди. Биз учун  
яратилган бу асарга — бу нузли меросга  
қонуний ворислик гурури билан  
қарашимиз зарур.

Айрим бир киши «Хамса»ни тўлалигича илғаб-  
уйқаб олиши қийин. Бу кўпчилик меҳнатини,  
уйғун идрокни талаб қиладиган иш!

Ҳар бир авлод бу борада ўз фаоллигини  
кўрсатиши керак.

Ушбу ёдгорликка мурожаат қилар  
эканман, менинг мақсадим битта: шавкатли  
бобомизнинг минг бир хислати — минг бир  
ёғдули бу асарини ташвиқ-тарғиб қилмоқ  
ва илоҳий истеъдод эгасига яна бир бор  
таъзим қилмоқдир.

Муаллиф

БУ ОЛИЙ ФАЗИЛАТЛИ ОДАМ КИМ?  
Қаердан тушяпти бу нур!  
Ким қаратяпти уни кўзимизга?!  
Ўҳ-ҳў! Бу нажиб ранглар-чи?!  
Бу — аввал тарихимиздан хабар!  
Бу — маданиятимизнинг ойинаи жаҳонномаси!  
Вақт ўйинларидан,  
Зулмат довларидан,  
Жаҳолат деворларидан ўтибон,  
бизни топди —  
Пешонамизда акс этди!  
Ёғду — бизники!  
Бир-биримизга яхшироқ, яқиндан қарайлик:  
Ҳаммамиз шу ёқтилик элчиларимиз,  
Ҳаммамиз шу нур фарзандлари!  
Лекин... нега мунча бегонасираймиз?!  
Нега мунча нифоқ, низо, надомат, нола,  
носоғлом назар?  
Толеимизда Нур борлигини билмаганимиз  
учунми?  
Лоқайд, жоҳил ғофиллик учунми?..  
Келинг, бу шафақ тарамлари бўйлаб кетайлик.  
Қўлингизни беринг, кафтингизни!  
Инсон панжаси — унинг кичкина қуёши!  
*Қаю «Хамса»ким, маҳзани дурри ноб,  
Қаю панжаким, панжаи офтоб!*

ЮРАКЛАРНИ ЙЎЛГА, ЯНГИЛИККА УНДОВЧИ  
«Туртки»нинг туб манбалари не?!  
Юракнинг илоҳий нурга Интилишини,  
Хоҳишни нима туғдиради?!  
Бу — элнинг бахт, олий мақсад сари  
интилишидан пайдо бўлган қудратли оҳанрабо!  
Бу умрнинг ўз мангу мусиқасига интилиши!

Гул атрини сабо шиддати машхур этди.  
Харакат — қўрқинчни, ҳадикни енгувчи!  
*Истабон, эй хаста Навоий, наво,  
Бўйла сафарга қилур эрсанг ҳаво,  
Йўл ёмонлиғу яхшисидан ема ғам,  
Бисмиллоҳ дегил-у, қўйгил қадам!*

### БАРЧА АСРЛАР МАЪРИФАТЧИСИ

юрагига унинг байтлари заррабинидан  
карашга журъат этдим:  
Шуълага интиланларни табриклайман!  
Китобни варақлаш ҳали ҳечдир!  
Ундан марварид дона топмоқ...  
Бошқаларга бунинг хабарини бермоқ  
маърифатдир.

Ўтмишда ўзини шамга урган парвона —  
ҚАҲРАМОН эди!  
Ох, баъзан нур парвоналари Жаҳолат,  
Бирқолипчилик, Яккафикрчилик  
ва ҳ.к.ларнинг

Ялтироқ шишасига урилиб ўлдилар.  
Оламни ёритган қуёш,  
ҳар бир одам юрагига ҳам рўшнолик бер-да!  
Баҳор, оламни уйғотдинг,  
Уйғоқларнинг-да бошини сила, энди!  
Маърифат — донолар иттифоқи!  
*Каъбаки, оламнинг ўлуб қибласи,  
Қадри йўқ андоқки кўнгул каъбаси.*

### ЭЛДЎСТЛИК ТАРҒИБОТЧИСИ қатъий:

Дунё забтига ҳар қандай интилиш — зобитлик!  
Элдўстлик — ўз миллатинг сахо нурларидан  
ўзга эллар кўзига, кафтига сурмоқ!  
Эвазига ҳам шуни кутмоқ!

Деҳлавий, Низомий, Жомий!  
Устозлар калонида барча миллатларга сабоқ  
бўлувчи куч бор, хислат бор!  
Йигирманчи асрнинг барча устомон  
босқинчиларига

ахлоқ дарси билан бу байт:  
*Бўлмади бир мулк сари кинахоҳ,  
Ким бу доғи чекмади ул ён сипоҳ!*

### ЭРКИН МУБОҲАСА, ТЕНГ МУСОБАҚА ТАРАФДОРИ

Ўз «Хамса»сини олам маданиятига кўзгу этди:  
«Хамса» — ўзбек халқининг нурзиё юраги!  
Бу — оламни ўзида акс эттирган,  
сўнг оламга шуъла йўллаган ойна!  
Бошқа миллатлар ҳаётида юз берган  
хар бир чақин, ёлқиндан  
руҳ олувчи, янада равшан тортувчи кўзгу!  
Устоз ўз ҳамкасбларини, келар шогирдларини  
ўз халқи бошидаги тожни янада порлатувчи  
дурдоналар яратишга чорлайди:  
*Форси эл тапти чу хурсандлиқ,  
Турк дағи топса берумандлиқ...*

### ШОИР — ЎЗ ОНА ТИЛИНИНГ ДОНОРИ!

Шоир ўз жон сўзини меросдан,  
тарихдан, ўтганлардан олади.  
Замонавий тил шева-лаҳжаларидан йиғади —  
Тиниқ мезон, сезгир тарозу билан ўлчаб!  
Ҳаракатдаги оламни одам тўлиқ идрок этолмайди,  
уни сўз сувратлантириши мумкин!  
Фалакдан шундай очил сўз сўраки,  
унинг нури, қудрати  
элга улашганда зарра камаймасин:  
Ранг камолати, маъно мужассамлиги,

ишлатилиш ўрни, мақсади,  
Юки, уч-тўрт маънони сиғдира олиши,  
ишорат қуввати,  
тарихийлиги, нафислиги...

Асрни ҳам, лаҳзани ҳам сиғдириши...  
Сўзимиз мавқеи Она тилимиз учун нурли мавқе!  
*Тенгрики, инсонни қилиб ганжи роз,*  
*Сўз била ҳайвондин анга имтиёз.*

## ОНА ТИЛИНИ МИЛЛАТНИНГ БОШ ИЛИНЖИ БИЛГАН ТИЛШУНОС!

Изтиробларимиз изхори, борлигимиз тимсоли,  
келажакдан умидимиз — Она тилимиз!  
Тоғ салобатини тоғ доvonларига чиққан билади!  
Гулларни бир-биридан меҳрли одам

фарқ эта олар!

Ўзга боғларнинг ифорини элчи хабаридан  
тўйиб бўлмас!

Халқнинг тили ўз ери, ўлкаси табиатининг  
ҳам туғиндиги

Табиати камбағаллаша бошладими, тилига  
ҳам офат яқин!

Ўзбекистон!

Улуғ дарёлар, тоғлар, қирлар,  
боғу ўрмонлар, сахрою гулзорлар диёри!  
Азал бой ҳайвонот ва набобот дунёси!

Сенинг биргина гулларинг номини  
тўла санай билган одамга ҳам таъзим қиламан!  
Беш юз йил буруноқ ўзбек тилини буюк бобом  
жаҳон мақомига чиқариб қўйди-ку!

Бу тилда фахр ва ғурур билан  
мукаммал гаплашди-ку! —

Бошқа тилларга ҳам эҳтиромини изҳор  
этган ҳолда!

Ибтидоий анъаналарни четлаб,  
Ўз тилида битди-ку «Хамса»ни!  
*Назм бийик маснадида ўлтуруиб,  
Олима назм аҳли туман минг туриб,  
Базмда шоҳона ясаб созу барг,  
Бошим узра эгри қўюб нимтарк,*  
(н. — бош кийими)  
*Турк суруди била солиб қўлум,  
Қилсам анда: «Ҳай тулугим, ҳай тулум!»*

ТУРОНЗАМИННИНГ СИПОҲДОРИ  
эл даҳосининг минг бир булоқ дер!  
Минг бир булоқ — минг бир қўзгу:  
Ўзи не бир ташна лабларга обихаёт.  
Ўзи не-не нафасларнинг  
тириклигига гувоҳ, ойина.  
Қўзгу, миръот —  
Ҳақ олдида ўзлукни кўрсатувчи!  
Халқ эртаклари,  
Халқ қахрамонлари,  
Халқнинг изтиробкашлари —  
халқнинг келажакка йўллаган нажот элчилари!  
Элим, беш қунингни эмас,  
Қуррадаги беш қитъага ҳамроз ҳаётингни ўйла!  
Бу анжуманда боқ — биров олдда, биров ортда,  
Биров чапда ва ...  
*Ўнгда туркинавоз уруб достон,  
Қўзғалиб ҳар навода Туркистон!*

ОЛИЙ ҚАДР ДУРЛАР ИЖОДКОРИ,  
ШЕЪР ҲОМИЙСИ  
шеърни тирик жондек улуғлар!  
Сўзга баланд мавқеъ берувчи аъмол шеърдир!  
Тилни тиниқлик текширувидан ўтказувчи —  
шеърдир!

Нафосатни давр қоғозларига муҳрловчи ҳам!  
Энг муқаддас дostonларни  
омон сақлаб қолган ҳам у!  
Шеър — қўшиққа — маъно,  
Шеър — ошиққа — ҳужжат!  
Ислom ўз Бош китобини  
шеърда битди...

Неча замонлар туркий халқнинг Бош сўзи —  
«Хамса» мисолида  
Асосий қонуни бўлиб келди!  
*Назм анга гулшанда очилмоғлиги,*  
*Наср қаро ерга сочилмоғлиги*  
*Бўлмаса эъжоз мақомида назм,*

(э. — мўъжиза корлик)

*Бўлмас эрди тангри каломида назм,*  
*Сўз аро ёлгон каби йўқ нотисанд,*  
*Айлар анинг назмини доно писанд.*

## ИЛОҲИЙ СЕЗГИЛАРИ УЙҒОҚ КИШИ

Оламнинг Катта сари ҳам, Кичик томон ҳам  
Чексизлигини англа!

Ҳар иккаласини тан олган киши

Ҳар икковини ҳам асрашга мойил бўлар:

Дарахт

ўз баргчалари орқали гаплашади Қуёш билан!

Замин билан энг нозик томирлари орқали!

*Ким бу гулистонким эрур бу жаҳон,*

*Балки жаҳоне гул ичида ниҳон.*

*Ким улуғроқ, анга хизмат керак,*

*Улки кичикроқ, анга шафқат керак.*

## ЎЗ СИФИНЧИ БОР ОДАМ!

Инсон умрининг бош маъноси эътиқодидир!

Истеъдод эгаси!

Сен кўриқхонанинг тождор турнаси бўлма,  
юртингга баҳор ё куз хабарчиси бўл...

Ҳаёт эътиқодли кишилар билан маъноли,

Юрт эътиқодли кишилар билан файзли,

Қуруқ мансаб, кунлик ризқ, таъма

кўйида қолганлар

Ўз қорин давлатининг элчилари, холос...

*Рўзи чун мунча фусунсозлик,*

*(ф. — найрангбозлик)*

*Мансаб учун мунча дағабозлик.*

*(д. — ҳийлакорлик)*

*Бул эрур барча ёмондин ёмон,*

*Кимки йўқ андин ёмон, андин ёмон.*

## ОТА БИЛАН ОНАНИНГ ЖОНКУЯРИ

Ўз фарзандлик бурчини, оила бошлиқларига

ҳурматини

Юртига бўлган меҳр билан боғлайди.

Бунда узилиш бўлса,

унда бузилиш юз берар.

Буни ўзингга огоҳмақоми қил.

Келар авлодингнинг, халқингнинг

омон ва муқаддас қолишингнинг ушбу

олтин қоидаларини бажармоққа унна:

*Бошни фидо айла ато қошига,*

*Жисмни қил садқа ано бошига.*

*Лекки жаҳонинга тиларсан физо,*

*Ҳосил эт ушбу иккисидин ризо.*

*Тун-кунингга айлагил нур фош,*

*Бирисин ой айла, бирисин қуёш.*

## МУҲАББАТНИНГ БЕДОР КУЙЧИСИ

Ўз афсунгар тили билан эътироф этади:

Парвоз шахдини унга Ишқ берган!



«Хамса»нинг биринчи муаллифи ҳам муҳаббатдир!  
Олис висол, ёнма-ён ҳижрон —  
севгининг абадий сувратлари.  
Қодирлик туйғуси ҳам муҳаббатдан!  
Балки бу оламнинг ижодкори,  
муаллифи ҳам Ишқдир!  
*Бўлмаса ишқ, икки жаҳон бўлмасун,  
Икки жаҳон демаки, жон бўлмасун.  
Ишқ ул танки, анинг жони йўқ,  
Ҳусни нетсун кишиким они йўқ...*

### ОШИҚЛАР САРДОРИ

Мажнунни ўзидан қиёс — куйлайди.  
Фарҳодни ўзидан қиёс — улуғлайди.  
Баҳромни ҳам ўзидан қиёс — таърифлайди.  
Дунё халқларининг  
жами қаҳрамон ошиқлари  
бир байроқ остига йиғилса,  
яхши қўшин бўлар эди  
дунёни камалакдек янгилаш учун!  
*Ошиқ они билки, эрур дарднок,  
Ҳам тили, ҳам кўзию ҳам кўнгли пок.  
Ким бу сифат ишқда мағлуб эрур,  
Ҳар неки андин келур, ул хўб эрур.*

### ЗАМОН МУАММОЛАРИДАН ЛОЛ ЗОТ:

Чархнинг каж ўйинларига иноқ жамоат билан,  
Турмуш кўз бойловига ёру вафодор билан,  
Даврон дами-тааддисига ҳушёр ҳамкасаба билан,  
бас келиш, жавоб бериш мумкин!  
Тенгқурингнинг, шогирдингнинг  
Ёки устозингнинг янги бир ишидан:  
«Кўнглум аро дағдаға солди ҳавас!»  
«Ўзни бийиклар ипига боғладим!»

деб хитоб қила олмоқ на бахт!  
*Савругулу лола харидори бор,  
Леки ўтуннинг доғи бозори бор,  
Фард киши даврда топмас наво, (ф. — ёлғиз)  
Ёлғуз оғочдан ким топмиш наво?!*

ТУҒРИ СЎЗ МИРЗА, ТИК ҚАЛАМ КОТИБ:  
ким айтди, мундин сўнг донолар иззатда,  
жоҳиллар хор яшайди, деб!  
Ким айтди — ихтирони ҳамма шод кутаман, деб!  
Ким айтди — адолатпарвар энди омонлик кўрар,  
деб!  
Бошинга нималар келади-ю, бошинг нимадан  
кетеди, бил!  
Баъзи катталарнинг «рост» сўзини тафтиш эта  
кўр-чи?!

Хонумонинг тафтишга тушади, жонинг...  
*Ул кишиким тузлук эрур шон анга,  
(т. — тўғрилиқ)*

*Душман эрур гардиши даврон анга.  
Кимки бу давронда қилур ростлиқ,  
Йўқдир иши ғайри каму костлиқ. (к. — нуқсон)*

ЎЗЛИГИНИ, КАЙФИЯТИНИ АЁН  
ЭТА БИЛГАН КИШИ

Имкон, Эрк, Бурч ҳуқуқини талаб этади.  
Мола одамлар бошини эмас,  
Уруғлар тушадиган майдонни текисласин!  
Ўзни кўрсатиш имкони  
ҳаммага тенг берилсин!  
Лекин ўзини кўрсатганларнинг имкони  
ҳамма билан баравар қилиб қўйилмасин-да!  
Замон деҳқонига ҳақиқат уруғини экишга  
ва унинг мевасини олишга кўмак бер!

*Моласиз, ул тухмки, деҳқон сочар,  
Сувни тенг ичмас, неча яксон ичар.  
Неча зарурат ичра қолгон чоғи,  
Чин демас эрсанг, дема ёлгон доғи.*

ИЛМСИЗЛАРДАН ЗОР ЧЕККАН АЛЛОМА  
айтадиларки,

Замон тескари эврилган замонда  
Илмлик ўз бошига.  
Илмсизлар эл бошига кулфатлар солади.  
Чала олимлар ул-бул билганларини ҳам  
жоҳил сардорлар хизматига қўядилар.  
Ёшлар илмга меҳрсиз,  
Дунё шундоқ қурилган экан-да, дерлар.  
*Зулм дураар ушубки бир нотовон  
Илм тилаб, шахридин ўлса равон.  
Бўйла гаму меҳнатки даврон чекиб,  
Ўну ўн беш йил югуриб, жон чекиб,  
Илми ким воситаи жоҳ этар, (ж. — мартаба)  
Ўзинию халқини гумроқ этар.*

ИЛМУ АМАЛ ТАРАФДОРИ

бу неъматлар уйғунлигини ёқлайди.  
Чин олим бошқалар хаёл этмаган жойларда  
саҳо ва имкон эшикларини кўра олади.  
Очиш, кириш — одамларга ҳавола!  
Қоғозга ёзилгани эмас,  
ақлга битилиб, амални —  
юракни жунбишга солгани — илм!  
*Олим агар қатъий амал айласа,  
Илмига шойиста амал айласа,  
Они шараф гавҳарининг кони бил,  
Гавҳари кон, ҳар не десанг, они бил.*

МАЪНАВИЯТДА ОЛИЙМАРТАБАЛИ ИНСОН  
Мартаба эгаларини маънавият шиор этишга  
чақирди.

Кимнингдир пинжида буйруқ бажарадиган  
йиртқицларга эмас  
аҳли дониш, аҳли заковатга жой бўлсин!

(Искандар мақомини қўллаб)

Аммо кўп замонлар бунинг акси эврила берди.

Оқибат эл, бир кун, бир ой эмас,

Асрлар фаровонлиғ топмай ўта берди.

*Разлға рифъат, билим аҳлига ранж.*

*(рифъат — юксак мартаба).*

*Тоғ узра хорову ер остида ганж.*

*Кушки, боғир ёрмоқ ўлуб ком анга,*

*Шоҳ илиги устида фом анга. (ф. — кўришиш).*

ҚИЛНИ ҚИРҚ ЁРГАН КИШИ

бир ҳикмат айтса,

қирқ маъно чиқаради.

Аммо бирон-бир усулни, тажрибани

Ўзгалар изоҳи билан такрорлаб,

Билимдонлик даъво қилганлар қанча!

Овлоқда ётган тош ёзувни чўпон ҳар кун кўрар.

Аммо шу тошда, худди шу тошда ўзини,

элини, оламини ҳалокатдан сақлаб қолувчи

Сирли кашфиёт битилганига иши бўлмас!

Аммо айбли нарсани кўришга кўпчилик уста.

*Айб кўзи чунки бўлур тез бин,*

*Заҳр кўрар, гарчи эрур ангубин. (а. — асал).*

ОЛАМШУМУЛ ИДРОК ЭГАСИ

ўз маслақдошлари шаънини юксак тутуди.

Илм — табиатнинг инсонга энг олий эҳсони,

бу эҳсон унга фалакка тикилмоққа журъат берди.

Ерни ўрганмоққа рағбат,  
Келажакни ўйлашга сурур ато этди.  
Олимлар — жамият умиди, таянчи, хазинаси...  
Аҳли донишга тош отувчилар кимлар?  
Бой амалдор билан олим ҳаммомда учрашдилар.  
Бой олимга пичинг отди: «Ҳаммомда  
ҳамма тенг!»

Олим: «Сенинг бойлигинг ташқарида қолди,  
меники ўзим билан!..»

*Кимки фалак сари отар тошини,  
Тош ила озурда қилар бошини.*

ДАВЛАТ ИШЛАРИДАН ХАБАРДОР ЗОТ  
муассасалар амалдорлари кирдикорларидан  
Риёзат чекади, кўнгли озурда, қўли ишдан  
совиган.

Аъёнларни шоҳ «сайлагач»,  
амалдору ижрочиларни аъёнлар «сайлагач»,  
булар, ўз навбатида, зулм учун  
халқни «сайлагач»,  
халқ нимани сайлайди?!  
*Аввал эрур котиби дорул қазо,*  
(д.қ. — қозихона)

*Иш анга ношаърига бермак ризо.  
Сўнғиси муфтийи ҳиял пеша бил.*  
(ҳ. — ҳийлалар)  
*Ҳийла била макр анга андеша бил.*

ҚЎШИБ ЁЗИШЛАРНИНГ ДУШМАНИ  
(1484 йилда)

бу жиноятлар бари бечора халқ ҳисобидан,  
меҳнатчи шўрлик улушидан бўлаётганини айтади.  
Қўшиб ёзишнинг усталари хазинадан бир не  
ундирмоқ учун,

Исо пайғамбар устидан ҳам «қўшиб» ёзди:  
«Тўққиз ҳарами — тўққиз хотини бор!»  
Аслида ул бечоранинг уйланмай ўтганини эл  
билади.

*Дўстга шах молини сотиб нуҳуфт,*  
(н. — беркитиб)

*Барча ўн олтунни бир олтунга муфт,*  
(м. — текин)

*Сархат этиб бирга бешу ўн рақам,*  
*Ким ҳақ онинг илгини қилгай қалам!*  
(Бу ерда: қўли қаламдек кесилсин!)

ҲАММА НАРСА ИНСОН УЧУН ДЕГАН  
шиорни ўрта асрдаёқ байроқ этган шоир!  
Ғамгин мажнунтолдан куй,  
Киприklar сузилишидан ғазал,  
Булоқ сўқмоғидан дoston уқа олган шоир!  
Ҳамма нарса инсон учун!  
Уруш, қирғин, фитна, қурол, ғазаб, кин,  
босқинчилар...

Ер пешонасидан сидириб ташланг  
бу ғуборларни...

Инсон яшай олиши мумкин бўлган  
бўлак сайёра борми осмонда кўз-хаёл  
илғайдиган жойларда! Йўқ!

Ер — ёлғиз!  
Одам нега бу ёлғизликни тан олишни  
иштамайди?!

Қутқаришидан умид қиладими  
кимнингдир осмондан тушиб!

Умид йўқ! Йўқ! Йўқ!  
Ғақат шу ер берилган инсон учун!

Фақат шу ер берилган инсон учун! Вассалом!  
*Бул чаман ўлмоғида мавжуд анга,  
Бор эди ИНСОН ГУЛИ мақсуд анга.  
Маъдани инсон гуҳари сўз дурур,  
Гулишани одам самари сўз дурур!*

ХАЛҚИ ТАҚДИРИНИ ЎЙЛАГАН ИНСОН  
ўтмиш замонларда  
пайғамбар, валий нисбалари ила улуғланган!  
Ўзининг шахсий орому нашъаси учун,  
Яқинларининг манфаати учун,  
келгинди-босқинчи ҳукмдорларга ой кўриниш учун  
озми ўз халқини азоб-уқубатларга,  
камситиш ва таҳқирларга,  
тазийқ ва чекловларга чидашга, чидашга  
минг усул билан мажбур этганлар?!  
Озми?! Озми?! Озми?!  
Ҳар миллат ўз ерида, ўзи хоҳлаган,  
кулай ва қойим бўлган,  
бола-чақасига ҳам  
мерос, қонун-қоида қилиб қолдириши мумкин  
бўлган

Ҳаёт, Шароит, Тузум, Тартибни  
Танлашга, Ўрнатишга ва Яшашга Ҳақли!  
«Халқим!» деб ғурур билан хитоб қила  
олган ҳар ким,  
«Халқим!» деб йиғлай ҳам била олсин.  
Халқига шу жиҳатдан ёрдамчи,  
Одами, фарзанди, вориси бўлмоғи керак!  
Аммо «Халқим, миллатим», деб айта  
олмаган одам ҳали одам эмас:  
*Одамий эрсанг, демагил одами,  
Ониким, йўқ халқ гамидин гами!*

## ФАЛАК ЯНГИЛАНИШЛАРИ МУБОШИРИ

Чарх айланишида бир адолат боридан

далолат берар,

яхши-ёмон томонларини фарқлаш бизда қолган:

Нега табиат ҳамма нарсани алмашинишга

мажбур этади?!

Нега гоҳ кунни осмонга кўтаради, гоҳ тунни?

Нега тўрт фаслни, йилни, асрни

мутассил янгилайди, қайта қуради?

Денгизни булутдан элаб янгилайди?

Одамни фарзандлари қонидан

ғалвирак қилиб янгилайди?

Тугун очади — янги тугунни кўрсатиш учун!

Шу улүф ҳаракатнинг онгли иштирокчиси,

одам, тушун,

нега уфқ икки жойидан тугун: Шом ва Тонг!

*Кўрмак ила фаҳм қилур барча эл,*

*Ким нега боғлабдур икки ерда бел?*

*Қани жаҳондовари Чингизхон,*

*Қани жаҳон хони Темур Кўрагон?*

## ШОҲОНА СИФАТЛАР ЭГАСИ —

камтарликнинг қули.

Гўё ҳеч кимга эътироз айтолмасдай...

Аммо қўшин-яроқ йиғмоқдан тинмай,

ўзгалар ерига тўймас назар билан боқиб,

майда-кичик халқларни

минг найранг билан топтаб, чегарасига олиб,

пинжидан чиқармай, зулукдек сўрган

тўймас босқинчиларга нафрати бениҳоя чексиз!

Искандарнинг сўнги, фоже соатларининг

тасвири:

У ўзи забт этган ерларидан тез кетди —

тобутдан бўш қўлини чиқариб,

намоишкорона:



*Жисмида жон йўқ, бу макондин борур,  
Холи илик бирла жаҳондин борур.*

*(х. и. — бўш қўл)*

*Кимки, жаҳон мулки ҳавасдир, анга  
Ушбу илик тажриба басдир анга!*

**ҲАЛОЛ ИМОН, ҲУШЁР АҚЛ ЭГАСИ**

Майхўр-ичкиликбозликлардан нафратланади.

Жаҳолат ва ғафлат балчиғига ботган бу сиёқлар  
поқдомон кишиларга тахирлик қилиб

суйкансалар,

покиза булоқларга чўққалар келиб тумшук

тиққандек жирканади!

Бадтарин мастликка тушган

Кажтабъ бир шоирнинг кўзига эса

Ўзининг бемаъни ва мужмал барча айтимлари

Сеҳр дунёси бўлиб кўринади.

Масту довдир ошиқнинг кўзига золнинг қизи —  
хурлиқо!

Бахтсиз ота кайфда ўз ўғлини ўлдириб

шодланади.

*Бодага кўргузса киши хиралиқ,*

*Ақл чирогига берур тиралиқ. (т. — қорайиш)*

*Буки майи жаҳл ичасен беҳисоб,*

*Бўлғуси бир кун сенга бу эҳтисоб.*

*(э. — ҳисоб-китоб)*

**ОДИЛ СЎЗ, ЎТКИР КАТХУДО** дашном беради:

Эй, ўз ҳолингни билмай, катталиқ қилувчи кимса!

Эй, тинмай шоҳ номидан сўзловчи такаббур тўра!

Тегрангга хушомадгўй, таъмагир шахсларни

тўплаб,

мансаб, обрў, эътибор талаб қиласан элу

давлатдан!

Бу мукофотни ҳеч тузук замонда на шоҳ  
на давлат беради.

Бу — тегишли улуш ё ҳақ эмас,  
бу — ҳар кимга эл берадиган маънавий баҳо-ку!

*Хосаки бир жоҳили дуни табоҳ,*

*(д.т. — наст, бузуқ)*

*Жаҳду жид этгай талаб ўзига жоҳ.*

*(жоҳ — мансаб)*

*Неча лаванд олдида барча нажис,*

*(л. — ялқов, н. — ифлос)*

*Бирида не ақлу не идроку ҳис.*

*Эйки хароб этти такаббур сени,*

*Солди такаббурга тасаввур сени.*

*Арзи ҳунар бўлса йигитлар иши,*

*Қилса аён ўз ҳунарин ҳар киши!*

## ДОНИШМАНД МУАЛЛИМ

суюкли шогирдларига умрнинг баҳори ва кузию  
булар орасидаги шиддатли фарқни ўқитади:

Эй, кузда яланғоч асирдек дийдираб турган

дарахт,

сен эмасмидинг баҳорда

гуллар сачратган яшил мушакбоз?!

Сен эмасмидинг бебаҳо гунчаларингни

келди-кетди еллар йўлига шошилиб очган?!

На тонг байроқ кўтарса сафга турдинг,

на жон ҳалак шомнинг ҳолидан хабар топдинг...

Йигитлик деган нодир инъомга

Шу бўлдими топган жавобинг?!

*Кимки йигитликда сарафроздир,*

*(с. — баланд, шод)*

*Буки бошин ерга қўяр оздир.*

*Андаки қилмоқ керак иш, қилмадим,*

*Иш қила олмас кунини билмадим.*

*Оҳки умр ўтди жаҳолат била,  
Қолдим ўлум вақти хижолат била.  
Вақт каму, йўл узуну май аччиғ,  
Асру қатиғ ҳол етибдур, қатиғ... (а. — го я т)*

## ИНТИЗОМ УЙИНИНГ ОЛИЙ ТАБИАТЛИ ОҒАСИ

ақл эгасини ҳам, тийиқсиз ҳислар  
жиннисини ҳам,  
куч эгасини ҳам, ҳуқуқли амалдорларни ҳам  
огоҳ этади:

*Қилма улус ирзу иёлига қасд,  
(и. и. — номус, оила)  
Айлама эл жонию молига қасд.*

## ЮРТИ БИЛАН ФАХР ЭТУВЧИ БОҒБОН

ўз шахрининг гулларини шунча таърифлар:  
*Гуллари навини не де — онча гул,  
Онча не гулки санай олгонча гул...  
Саҳнида бир гул чиқориб бир йиғоч,  
Ҳар гулнинг атри бориб бир йиғоч...*

## АДОЛАТ МАРТАБАЛИ ҲАКАМ

Шодлик мавқесининг юз қоидаси бор,  
шулардан биринчиси Адолат!  
Адолат шоҳнинг қўнглига кирсагина  
Элнинг ичига кира олади.  
Шоҳ «Адолат!» деб бир айтса,  
Элдан эллик акс садо «Садоқат!» бўлади.  
Адлнинг бир қоидасига  
амал этмак  
диннинг юз қоидасини бажаргандан афзал:  
*Буки эрур адлга андин баланд,  
Дин доғи юз қоидаи дил писанд.*

*Адл ила олам юзин обод қил,  
Хулқ ила олам элини шод қил.*

ХАЛҚПАРВАР СИЙМО хўрланган бир  
бечоранинг  
арзи баёни чўзилганини айб билмайди:  
Арзни сабр билан тингламаганинг ақли қисқа!  
Барчани тенг тутишнинг қоидаси бошқа,  
яхши-ёмонга тенг қарашнинг маъноси бўлак!  
Ўлган бировни қайғуриш  
ўзгаларни ўлдириш ҳисобига бўлмасин!  
*Яхши-ёмонга чу тенг ўлди карам,  
Бўлди ёмонга кўп-у, яхшига кам.*

БЕКОРЧИ МАШВАРАТ — МАЖЛИС, УЗУН  
ВАЪЗХОНЛИКЛАР ЁВИ

даврада баҳс, қарама-қарши фикрни  
очиқ мубоҳасани ёмон демайди.  
Чўзилиб кетганини айблайди, самарасизлигини,  
Бундан элга не натижа деб ўйлайди.  
*Бўлма маълул, ўлса кенгашда талош,  
Асру узун доғи керакмас кенгаш.*

ОШКОРАЛИК, ЭРКИН ФИКРЛАШ  
ТАРАФДОРИ

Шоҳларни ўз фикрларига эл фикрини  
солиштириб кўриб,  
Сўнг ҳукм чиқаришга чақиради!  
Акси бўлса, элнинг тилига, дилига,  
эркига, қўлига кишан тушгани.  
Одам битта ота-онанинг фарзанди,  
Лекин у умрида ўнлаб шоҳларни кўрар!  
Аммо шоҳ хам, фуқаро хам эл фарзанди-ку?!  
Эл фарзанди бўлиш —  
элнинг орзуларини ўзига падар қилиш!

*Айлама ўз раъйингга кўн эътиқод,  
Муътамад раъйидин иста кушод.*

(м. — ишонч)

*Шоҳки раъйини кўн этти писанд,  
Раъй кўрар эл тилига солди банд.*

ДАВЛАТНИНГ, ЭЛНИНГ НАЗАРИДА  
БЎЛГАН КИШИ

ўз «мен»ини нима қилиши керак?  
Бошни кўтарса — кибрга дўнса,  
эгса — хокисорликка кетса.  
«Улчаки...» бўлгани дурустми?  
Улчаки «мен-мен» десам яхшироқ,  
Яхшилар ўлсун бу ёмонликдан йироқ.

БУЮК «ИМКОН»ЛАР ЭГАСИ

бунча иложсиз:

Давлат хизматида турган ижодкорнинг —  
санъаткорнинг ҳолини ким сўрайди?!  
Унинг имтиёзи имкон излашида экан, холос.

«Оҳ, менинг ҳолима юз қатла оҳ...»

Ҳамма ундан умид тилаб келади, ёрдам,

адолат...

Илҳом қуши қўнмоғига қани тинчлик, ором,

сукут?

Илҳом билан баравар арзчи ҳам эшик очса...»

*Айтурига чунки қўюлди кўнгул,  
Айтмай ўн байт тутилди кўнгул.  
Ким, бор эди бошима кўн меҳнатим,  
Йўқ эди бош қошигали фурсатим.  
Бирдам улус меҳнатидин ком йўқ,  
Бир нафас эл жавридин ором йўқ.  
Гўшаи хилват аро айлаб нишаст,  
Таъбни қилсам эди фикратпараст...*

## ИХТИРОЛАР ОШУФТАСИ

бу ёлқинли ҳаяжонни қайдин олар?  
Кўнглига илҳом дағдағасини,  
Бу буюк дostonларга ибтидони ким берди?  
Шунча тирик рангни бир камалакка йиғган ким?  
Ким бу чексиз изтиробларнинг навосоzi?  
Хўш, анави тошбағирларнинг меъмори ким?  
Кўздан юмалаган дурларнинг устаси-чи?  
Бу дилкаш навонинг узилмаслиги недин?  
*Булар борини пайдо айлаган ишқ!*  
*Барин ул бирга шайдо айлаган ишқ!*

## ЮРТНИНГ КАТТАСИ

кичиклар дардидан гоҳ йиғлай билади,  
Боқий ғоялар таажжуб назардан туғилган!  
Каттада кичикни кўрган  
кичикда каттани кўра олади.  
Сен писандлисан:  
бировлар дилидаги кичик дарди ботаъсир  
Сенинг катта дардинг бировлар учун гарчи  
нописанд!  
Яъни, ҳар бир халқ жаҳонда ўз ҳақини билсин,  
Шунингдек, ҳар бир фарзандини ҳам ҳимоя  
қилсин.

Сенинг борлигинг қаю кимга ёқмас,  
лекин сени истовчи минглар бор!  
*Ки ҳар не оламда суғрода мавжуд.*

(с. — энг кичик)

*Бори бу оламда куброда мавжуд...*

(к. — энг катта)

*Яна бир буки ҳеч иш ҳодис ўлмас,  
Бировгаким анга бир боис ўлмас.*

## ЖУРЪАТ ҚУШ СОЛУВЧИСИ

бунча илхомни, қудратни қайдин олди?!

Фақат яхши ниятданми?

Улуғ муддаони улкан ҳиммат тугмайдими?

Ҳимматлилик бахтини ким берди?

Тоза лафз, тоза андоза, тоза назар, тоза виждон!

Ҳамма замонлардаги — ҳамма жойлардаги

қора кучларга

оқ саҳифа юзидан

музаффар ўқлар ота билиш шундан!

*Ҳануз этмай қалам ёзмоқни одат.*

*Эшикдан кирди иқболу саодат!*

*Фалак янглиғ бийик ҳиммат бу бўлғай,*

*Қуёш янглиғ ариғ ният бу бўлғай.*

*Бийиклик келди ҳимматдан нишона,*

*Ки ҳимматсизни паст этди замона.*

## БАРЧА ЗАМОНЛАРНИНГ НОТИФИ

тарихдан, барҳаёт юраклардан, бугундан

ўз янги сўзини — дадил сўзини топади:

Сўзнинг кузги олтин япроқдек ҳавода

чиройли учиб,

ахиран ерга — хазон уюмига қўшилган эмас,

ҳечса, хивичдек, Ҳаво кесиб,

ўтга ташласалар ҳам чарсиллаб

учқунлар отгани чиройли!

*Топилғай шояд андоғ бир неча сўз,*

*Сўз айтурга элга ул ён тушмаган кўз.*

*Ани назм этки тарҳинг тоза бўлғай,*

*Улусқа майли беандоза бўлғай.*

*Агар тупроқ тутсанг бўлсун олтун,*

*Оқизсанг қатраи хай дурри макнун.*

(х. — томчи тер)

(д.м. — ноёб дур)

УЛУФ ХОНАДОННИНГ  
ПАДАРИ БУЗРУКВОРИ

хукмда қатъий:

Уй тўшагига бошқалар оёқ қўймасин!

Юрт гулшанини бегоналар босқиламасин!

Ўз хонадонингга, халқингга

тўп-тўп соғлом фарзандлар мерос қолдир!

Келажагинг — юртинг эгасиз қолмасин!

Хумда ўн икки минг йил қолиб кетган дон

топиб экилганда

яна яшиллик кўкка бўй чўзди, бошоқ тугди...

*Киши гар қилса минг йил подшолиқ,*

*Жаҳон мулкига айлаб кадхудолиқ,*

*Чу тортар оқибат жоми фанони,*

*Борур дам фаҳм этар бир дамча они:*

*Не чеккай кўкка бошин тождори,*

*Йўқ эрса бир дур андин ёдгори.*

*Бу ўтлуғдин эрур бағримда доғим*

*Қурутмасин дебон даврон ўчоғим.*

БОЛАЖОНЛИ ОТА

Фарзандининг Фарҳоддек етук-комил,

уйнинг қалқони, элнинг қўрғони бўлишини

истар!

Бу боғда бегона дарахт йўқ.

Фарзандлар камоли — эл камоли!

Зийрак ва тадбиркор боғбон

ҳар бир ниҳолнинг ҳолидин

етмиш икки марта хабардор,

унинг ҳар бир куртак, ҳар баргидаги ўзгариш —

боғнинг келажагидан бир хабардир:

*Не ишким чарх этар изҳорин анинг*

*Бурунроқ кўргузар осорин анинг.*

*«Жаҳонда қолмади ул етмаган илм,*



*Билиб таҳқирини касб этмаган илм.  
Демонким кўнгли поку ҳам кўзи пок,  
Тили поку сўзи поку ўзи пок».*

КАШФИЁТЧИЛАР ПИРИ ҳар бир фаслдан, —  
унинг ранги ва ҳолатидан,  
келиш тарзидан таъсирланиши, сирланиши бор!  
Чунки ҳар юракда  
бутрама баҳор, нағмасоз ёз, кўз ёрди куз,  
тош қотди қиш  
фаслларига тегишли айрим хос калит бор.  
Инсон гоҳ униси, гоҳ буниси билан  
сир очай деб овунади.

Ҳайрат, умид хазинасини топади:  
*Ҳаво доғи булутдин кийди синжоб,  
Булут доғи ҳавога сочди симоб,  
Камар сарчашмаси ҳар тун тўнғуб муз,  
Муз ўлғон қатралар гирдида юлдуз.  
Муз айлаб ер юзин ойна ойн,  
Ғалат қилдим дегил, ойнаи чин.*

### САЛТАНАТ ЖОНКУЯРИ

икки нарсанинг ташвишини чекади:  
фуқаронинг фикрини четлаб,  
зулмкорга амал берилса ёки  
ишбоши олим бўлса-ю,  
жоҳиллар ундан зарра сесканмасалар...  
Шоҳ — одамлар бошига мушкул масалалар  
қўювчи эмас,  
одамлар мушқулини масала каби осон ечувчидир.  
Икки ҳолат кулгили:  
Китобнинг баҳосини билмайдиган бошлиқ —  
олимлик даъво қилса;  
Бирми-икки кишига ҳам иш буюролмайдиган  
олим — тахтга интилса...

Билимлар олимнинг жаҳлини сезсин!  
Золимлар шоҳнинг қаҳрини билсин!  
*Агар золимга йўқдир шоҳдин бок, (б. — қўрқув)*  
*Эрур ул хушдилу, мазлум гамнок.*  
*Не суд, гар илм аро фарди замондир,*  
*Чу жаҳл аҳлига биймидин амондур. (б. — хавф)*

ДОНИШМАНД ҚАРИЯ огоҳ этади:  
Табиат умрнинг ҳар фаслига муайян  
вазифалар беради,  
Умр шу хикматлари туфайли қайтарилмасдир.  
Не сўз, энг баланд шоҳлардаги меваларни  
кучинг борида тепасига чиқиб ейсан.  
Қариганинга қўлинг етган шоҳларни  
пайпаслайсан.

Умр пиллапояларига беписанд  
ҳар саъйи ҳаракат — кулгили.  
*Ҳавас бўлса қарига навжувонлиқ,*  
*Хижолат зоҳир айлар саргиронлиқ.*

МУНОСИБ ВОРИСЛАР ТАРБИЯЛАГАН ОТА  
учун васият —  
фарзандга отанинг умр охирида  
айтадиган сўзи эмас!

Бу — отанинг унга ўзи кўргузган  
Умр намунаси, ҳаёт тажрибаси.  
Нихол битта парваришинга  
Ўн япроғи ўсиб жавоб берса, не бахт?!  
*Атоким сен каби фарзанди бўлғай,*  
*Ўлум вақти етишгач гам егайму*  
*Агарчи ўлса ҳам ўлдум дегайму?!*

---

---

**«ЎРТАМИЗДА БИРГИНА ОЛМА»**  
(1990)

\* \* \*

Ўртамизда биргина олма —  
Олам ичра юмалоқ илинж.  
Ўртамизда биргина олма —  
Балки ғам у ё балки севинч.

Ўртамизда биргина олма,  
Ярми қизил, ярми оч-яшил.  
Ҳар тугёнидан қизил у,  
У соғинчининг рамзидир асил.

Ўртамизда биргина олма,  
Бармоқ учи тегса товланар.  
Алвон иффат, яшил ташналик  
Бир сенга, бир менга довланар.

Ўртамизда биргина олма,  
Гард тегмаган, бирам покиза.  
Ҳозирча у рангин бир хавас,  
Лаб тегса бошланар мўъжиза...

**ОРОЛГА ЁРДАМ**

Бугун буюкликка даъвогарлар кўп,  
Мен бундай тўдадан йироқман, тоқман.  
Мен кўкка қарайман мўъжиза истаб,  
Ерий ҳаётга-да энг яқинроқман.

Кўр кўрни панада топади дерлар,  
Мен кўзи очиг-у, ҳоли чатоқман:  
Мен очиқ жангларнинг хос навкариман,  
Гарчи эски кўрғон, йиртиқ байроқман.

Кибр юлдузидан эмас тупроғим,  
Мен ўз халқим яшаб турган тупроқман.  
Тунга ҳам ошноман, ёлғизлатмайман,  
Нури бир саҳифа етган чироқман.

Нафси олдин юрар гуруҳбозларнинг,  
Демак, мен манзилдан ҳали йироқман.  
Уларни ҳамма тез таний қолади —  
Мен ҳамон номаълум, ҳамон сўроқман.

Орол қурияптимиш, қаранг, янгилик...  
Ўн йил бурун чиққан фарёдман, оҳман.  
Неча «орол»ларни қуритган зотлар  
Бугун: «Воҳ, орол» дер...  
Ўзим гувоҳман.

Мен ўзим ўлдирган денгиз номига  
Садақа йиғмайман, эвоҳ, нўноқман.  
Ҳар кимнинг бошида бир ороллик бор,  
Мен Оролдан баттар ялангоёқман...

Мен гоҳ не миллатман, билмай қоламан,  
Майли қаршингизда қораман, оқман.  
Кеча ўзбек эдим ҳар гапга кўнган,  
Бугун ўлаётган қорақалпоқман.

\* \* \*

Очил, эй гул, гул вақтинг бўлди,  
Уйғон, эй дил, дил вақтинг бўлди.

Етар минг бир кеча эртаги,  
Тонг сирларин бил, вақтинг бўлди.

Ўз ҳаққини билмаган қулдир,  
Шукр этган ҳам қул, вақтинг бўлди.

Номинг азиз, ўзингга бек бўл,  
Эл бўл энди, эл вақтинг бўлди.

Огоҳ этар соатсоз қисмат,  
Ҳаракатинг қил, вақтинг бўлди.

Тилни қутқар тиллар бандидан,  
Тилга киргин, тил вақтинг бўлди.

Ўзбекистон, фалак буржига  
Юрагингни ил, вақтинг бўлди!

\* \* \*

Кўрдим: Шукур Бурҳон «Ҳамза»дан чиқиб,  
аста пиёдалаб кетди бир куни.  
Бир ён гавжум кўча, бир ён расталар,  
оломон...

Кўпчилик билмади уни.  
Репетиция ўтган. Мана, у борар,  
чарчоқ, тунд...

Парвосиз ҳаракат аро,  
Ҳозиргина улуг Шох Эдип эди,  
энди фуқародан баттар фуқаро.

Устоз! Замонларнинг дўниш макрини  
Кўчада гримсиз кўрсатишми бу?!  
Кеча йиғлаб сизга талпинган жонлар  
Бугун танимасдан ўтарлар, ёху!

Тирсаклар, қоринлар, кўкрак, елкалар  
сизни туртиб-суртиб шошар ўзича.  
Томоша бўлганин сезмаслар, ё раб,  
шундай буюк актёр юзи-кўзича.

Калтабин «илмкаш» бу салт юришни  
«Даҳо халқ ичра!» – деб жўшиши мумкин.  
Кўрмаски, даҳога йўл бермас ҳеч ким,  
базўр бормоқда у, қисилиб, мункиб.

Халқ эмиш, кабобпаз ана: «Келинг!» дер,  
кўзидек гезариб сихда чандири.  
Лунжи қизил сомсапаз пиёз қоради,  
Уятдан қизариб, чатнаб тандири.

Халқми шу, бировнинг ҳақини гизлаб,  
беш-ўнни юлишни пойлаб турганлар?  
Халқми шу, нуроний сиймолар қолиб,  
Сохта сумбатларни сийлаб турганлар?

Халқми шу, хаёлу орзуларини  
ўзидан баландроқ тиклолмаганлар.  
Халқми шу, халқининг номидан сўзлаб,  
мингдан бир ваъдасин оқлолмаганлар?

Халқ улким, ўзининг пешонасида  
юлдузлар борини сезса, қувонса!  
Халқ улким, ғурури бўлса ўзида,  
асилга ишонса, сохтадан тонса!

Бу шеърни кўрсангиз балки койирсиз:  
«Одамни қўй-да, деб, ҳоли-жонига...»  
Билдим, сиз пиёда, тинч етмоқчисиз  
хув, мағрур ҳайкаллар хиёбонига!

Унгача анча йўл бор-да, устозим,  
бу ур-сурда юрманг саланг-бўш бўлиб!  
Грим билан чиқинг, гулдираб чиқинг,  
ҳеч бўлмаса ўша Ялангтўш бўлиб!

\* \* \*

Чарх авзойи бу дам аввалгиларға ўхшамас,  
Котибу давру рақам аввалгиларға ўхшамас,  
Энди инсон қадри ҳам аввалгиларға ўхшамас,  
Кўнглум ичра дарду ғам аввалгиларға ўхшамас,  
Ким ул ойнинг ҳажри ҳам аввалгиларға ўхшамас.

Не учар юдузлар ўтди чалғиб элни жуда,  
Неча авлод йўлию уммидин айлаб беҳуда,  
Давр мезони билан торгай бу кун ўзимни-да,  
Не ситамким қилса раҳм махфий эрди зимнида,  
Эмди қилса не ситам аввалгиларға ўхшамас.

Бул жаҳон тун бирла тонг баҳс этар  
бир ҳужраким,  
Вох, қуёш савдосиға шамлар нечук бўлди ҳаким,  
Ишқ, бу — ўз умрим, анга нечун  
қасамлар ичмаким,  
Демангиз Ширину Лайли онча  
бор ишқ ичраким,  
Хўбликда ул санам аввалгиларға ўхшамас.

Қай кишиким бир улуғ ишга этибди жон нисор,  
Шиддати пасту баланд келганда ҳам бўлмайди ор.  
Эй фалак, ҳеч кимни этма бесамар йўлларда хор,  
Жавридин эрди аламлар, эмди тутмиш ўзга ёр,  
Ўлмишамким, бу алам аввалгиларға ўхшамас.

Она Шарқ тожин киюр! Зулматда ушлатманг  
мени,  
Бодайи ҳақ мастиман, ёлғонга уйғатманг мени,  
Ўз хаёлимға қўйинг, ўзгага ишлатманг мени,  
Ишқ аро Фарҳод ила Мажнунға ўхшатманг мени,  
Ким бу расвойи дажам аввалгиларға ўхшамас.

Ҳар кима ҳар хил ёзур Арш Мирзоси сана,  
Айланур ойна бу, ҳеч битта иш топмас пана,  
Нафс ипига боғлидур руҳ ипларин узган тана,  
Қўйининг эҳромидан қўнглимни ман этманг яна,  
Ким анга азми ҳарам аввалгиларға ўхшамас.

Сўкмак ўтганлар ишин нотавонлар расмиким,  
Ўз замонин рост этар қавми марддир асли ким,  
Шу ҳаёт тилсимларин очмоқ омонлар касбиким,  
Эй Навоий, қилма Жамшиду Фаридун васфким,  
Шоҳ Ғозийға қарам аввалгиларға ўхшамас.



---

---

**«ОДАМНИНГ СОЯСИ  
ҚУЁШГА ТУШДИ»  
(1991)**

**БИР ХИВА — ИККИ ҚАЛЪА**

Хивада қалъа бор қалъа ичинда:  
Бири Ичон қалъа, бириси Дишон.  
Машҳурдир бирининг номи очунда,  
Бири нураб ётар беназар, бешон.

Не сир бу? Бир ёнда мовий тафаккур  
Қулф уриб турибди осуд, беозор.  
Бир ён — тенгсиз жангда енгилган мағрур  
Ботирнинг лошидек қаровсиз ва хор.

Ичон қалъа бугун — Хоразм фахри,  
Баҳор нақш гумбазлар, минор, сардоба...  
Шундадир ул буюк Махмуднинг қабри,  
Шундадир шон, ғурур... Дишон — хароба.

Халқимнинг устивор руҳи — зўр даҳо  
Мангулик топгандир Ичон қалъада.  
Уни бузмасин деб тур-турфа бало  
Қалъа тикланилган Дишон — далада.

Азалий беомон бир ҳукмдир бу:  
Одам — Дишон қалъа, орзуси — Ичон!  
Оз яшаб кўп мушкул кўрса ҳамки у,  
Руҳин қолдирмоғи мумкиндир омон.

Мен бугун Хивада виқорли турган  
Асрий ёдгорлардан туяркан маъни,  
Дедим: умр хикматин бобонгдан ўрган,  
Асрамоқни ўрган Ичон қалъани.

\* \* \*

Соғиндим мен сени.  
Кўргим келади,  
Лекин айтолмайман ҳеч кимга буни.  
Шаҳар ғуж тош ўрмон. Бошимга тушган  
Қуёшга талпинган оғочнинг куни.  
Соғиндим. Кун-тунлар қатланди қалбда  
Рангин ипаклари соғинчининг.  
Агар  
Ёйсам йўллардаги симёғочларга  
Зорланиб етарди Самарқанд қадар.

Соғиндим, жаҳонда балки ҳеч бир тил  
Ҳижронни мукамал ёзганмас ҳали.  
Қадим ёзмалардек ул кунлар йитди,  
Бир сўзингни эслаш олам тасалли...  
Дарахтман. Мен миллион япроғим билан  
Боқаман зор титраб сен келар кунга.  
Соғиндим мен сени.  
Кўргим келади,  
Лекин айтолмайман буни ҳеч кимга.

## **МЕН ИШҚИМНИ АЙТОЛМАСАМ ЎЗИНГА**

Мен ишқимни айтолмасам ўзинга,  
Булутларга топшираман қалбимни.  
Улар кўзинг осмонида безовта —  
Чақмоқ тахлит нақш этсинлар дардимни.

Мен ишқимни айтолмасам ўзингга,  
Баланд тоққа бориб солай ҳаё-ҳу!  
Пойинг узра дарё бўлиб тўлғонсин,  
Чўққиларнинг бошидаги оқ уйқу.

Мен ишқимни айтолмасам ўзингга,  
Вижир-вижир қалдирғочга айтайин:  
Ҳар баҳорда шу зангори сўзлардан  
Бўғотингда уя қурсин атайин.

Айтолмайин, чекиб оху нолалар,  
Ерга кўксим қўяр бўлсам ногаҳон,  
Юрагимдан хабар топган лолалар  
Фарёд солиб қирга чиқсин бағри қон.

## ҚИЙИН МУҲАББАТ

Бу кўзлар неча йил, неча бўлгандир,  
Тумор ёзувидек дилга жойланган.  
Кунлар ёна-ёна кеча бўлгандир,  
Тунлар ёна-ёна ойга айланган.

Бу қандай оташдир, мен сал дил ёрсам,  
Очиқ қон топгандек, тўзди ғанимлар.  
Аммо очилмади уларга, эркам,  
Фақат иккимизга аён тилсимлар.

Ҳар ким ўз билгича фасона айди,  
Бизнинг ёнишларни, йўғу бор айлаб.  
Ҳа, биз зардуштийлар посбони каби,  
Бу ўтни асрадик ифтихор айлаб.

Бугун инсоф, имон тилга кирмишдир,  
Жонсўз фарзандларин йўқлайди элим.

Сенинг ёна-ёна кўзинг қолмишдир,  
Менинг ёнишимдан қолгани — шеърим.

\* \* \*

Қирқ биринчи хотинликка, Асилжон,  
Сени келтирдилар Исфандиёрга.  
Чидаб туролмади ҳеч бир тирик жон  
Гурландан то Хева сен қилган зорга.

Нега мунча йиғи — ўйна, кул ахир,  
Малика бўларсан улкан саройда!  
Хонлар авлодига қонинг қўшилса,  
Бир қўлинг юлдузда, бир қўлинг ойда!

Қовоғингни очгил энди, нозни қўй,  
Хоннинг қучоғида кутсанг-чи, тонгни!  
«Қизинг бўй эгмаса, осаман!» — деб у  
Гаровга келтирди, ана отангни!

Шунда ҳам кўнмадинг!  
Бахмал тўшаклар  
Бўри кирган уйдек тўзди шом-сахар.  
Сен таслим бўлмадинг.  
Лекин хон тинди  
Ногоҳ қўйганингда ўртага ханжар!

Хон тинди  
Ва лекин мерос ғазаб, ўч  
Уввос солиб кирди унинг қонига:  
Отанг қатл этилди!  
Сени отдилар  
Хоннинг қайнаб турган дошқозонига!

Қачон бу воқеа эсимга тушса,  
Кўзимга ёш келар, синглим Асилжон.  
Нимани сен бунча химоя этдинг,  
Нима деб соб бўлдинг, ўн беш ёшли жон?!

Ҳали на муҳаббат ҳавосин туйиб,  
На оқу қарони фарқ этган қалбинг  
Қандай илоҳий куч измин бажарди,  
Жон бериб,  
Нимани қутқариб қолдинг?!

Табиат ҳар гиёҳ, ҳар бир жонзотнинг  
Зотин пок сақлашга жо этган жавҳар  
Исён кўтардим қалбингда ногоҳ,  
Хондан шунинг учун қилдингми ҳазар?!

О ўзбек қизлари! Мужассам иффат!  
Мужассам муҳаббат! Мужассами ор!  
Сизнинг кўксингизнинг нурли зарбидан  
Менинг толеимга жон риштаси бор.

Кўз бойловчи тақдир нақш олма каби  
Ногоҳ тиф дамида ўйнатса сизни,  
Ёки асир этса тўймас қора тун,  
Биламан, асрайсиз юлдузингизни.

Лекин шуни билинг, хиссиз маҳрамлар  
Бугун ҳам қайдадир қиз излар хонга!  
Кимдир оҳ урмоқда бахтин чангаллаб,  
Кимдир ўт ёқмоқда яна қозонга...

---

---

**«ҚУШ ЙЎЛИ»**  
(1993)

**2–3 ЯНВАРЬ, ХОРАЗМ**

Хоразмда қор юкидан оғочлар синди.  
Кун-тун фалак тегирмони муз септи гўё.  
Қуриб,  
    Кўкка учиб кетган Жайхуннинг энди  
Булут бўлиб тушишидан борми бир маъно.

Оёқларин муз новдалар қўйвормай, ушлаб,  
Парвозлари қотишгандек совуқ темирга,  
Шохлар аро паноҳ топган жунжиккан қушлар,  
Дарахтларга қўшилишиб қулашди ерга...

Ўзбекистон! Сенинг ўктам оёқларингни  
Юз йил шундоқ қўйвормади Шимол музлари.  
Юкинг — оғир, шамоллар — оч...  
    Ва шохларингда  
Жон қушларим минг жовдираб боқар кўзлари...

Қаҳратонда ҳимоятсиз қолади муҳит,  
Йиқилганлар, тўхтаганлар сўзсиз — ўладир,  
Ўзбекистон, эрк дарахтим, ўзни бардам тут,  
Парвозга шай қушлар билан елканг тўладир!

\* \* \*

Бугун юрт уфқида бир нур кўринди,  
Бекларни кенгашга чорланг, хазратим!

Қўш бошли қузғуннинг қаноти синди,  
Бекларни кенгашга чорланг, ҳазратим!

Аммо ёв алдашга ҳамон кўп мохир,  
Кўнмас, қўлдан кетса шундоқ жавоҳир.  
Банди кишанимиз ҳали кўп огир,  
Бекларни кенгашга чорланг, ҳазратим!

Ҳали офзи ола ва тумтарақмиз,  
Баъзилар қўлида шундан таёқмиз,  
Бирлашсак кўплардан қудратлироқмиз,  
Бекларни кенгашга чорланг, ҳазратим!

Ўзимиз олайлик йўллардан тошни,  
Ўзимиз аритиб диллардан ғашни,  
Ўзимиз бошлайлик кексаю ёшни,  
Бекларни кенгашга чорланг, ҳазратим!

Ҳар қалбдаги умид, пок хаёл ҳаққи,  
Байроқда юз очган илк ҳилол ҳаққи,  
Толемизда балққан Истиқлол ҳаққи,  
Бекларни кенгашга чорланг, ҳазратим!

---

---

**«ЭРКИН ҲАВОЛАРДА»**  
(1997)

**АССАЛОМ**

Ассалом, ассалом!  
Ўзбекистон, азиз калом, ассалом,  
Толеингда қутлуғ айём, ассалом!

Хуш келибсан, не замонлар қутаман  
Хуш кел, эрким, гул билан бол тутганим!  
Ижобатли дуолар, хуш келибсиз,  
Дил очувчи саболар, хуш келибсиз!

Алпомишга от миндирган чўққилар,  
Олтин тарих энди равон ўқилар.  
Дунёдаман энди дунё сафинда,  
Борар бўлдим энди хурлар қатинда!

Ассалом, ассалом!  
Боболарнинг порлоқ ёди, ассалом,  
Ботирларнинг учқур оти, ассалом!

Хуш кел, эркам, наврўзларни кулдирдинг,  
Кўзларимга юлдузларни тўлдирдинг,  
Эй истиклол, байроғимга ипаксан,  
Ўзбекистон, мангу урган юраксан!

Ўз ерим деб куйган, ёнган халқ эдим,  
Иймонимга чин инонган халқ эдим,



Билар эдим, Яратганнинг меҳри бор,  
Толемда буюк давлат муҳри бор!

Ассалом, ассалом!  
Номинг азиз, янгроқ элим, ассалом,  
Еру кўкда уйғоқ элим, ассалом!

## **ЭРКИН ҲАВОЛАРДА**

Поёнсиз ўрмонлар бағрида қолдим,  
Безавол яшиллик ҳидига тўймай.  
Лекин ҳафта ўтмай қислиқди юрак,  
Жаннат бу ўрамдан бир илинж тўймай.

Абадият бўлиб тоғлар ром этди,  
Қоялар осмоннинг чўнг устунлари.  
Бунда ҳам дунёга сифмайин кетдим,  
Дарага қамалган дулдул сингари.

Гарчи еру кўкка уйғундир умр,  
Лекин ҳар юракнинг ўз туғроси бор.  
Мен қандай муҳитда ким билан бўлмай,  
Рухим доим уйғоқ ва йўлга тайёр.

Мен воҳа ўғлиман, талабим — кенглик,  
Эркин ҳаволардан тўқийман шеърлар.  
Бор бўл, маъно қадар ёркин бўлган сўз,  
Бор бўл, уфқ қадар очик, кенг ерлар!

## **ОТАЖОННИ ЭСЛАБ...**

Оққан дарё тиндими,  
Олтин торинг синдими,  
Отга бошқа миндими,  
Ўртадаги дўст қани?!

Қайиқ қумга урилди,  
Аср зумга урилди,  
Юрак симга урилди,  
Ўртадаги дўст қани?!

Фано, бақо не ишдир,  
Бир-бировни ейишдир,  
Изиндан воҳ дейишдир,  
Ўртадаги дўст қани?!

Икки дарё ораси,  
Уч юз олтмиш қалъаси,  
Излар ҳофиз ноласин,  
Ўртадаги дўст қани?!

---

---

**«АРДАХИВА»**  
(2000)

**ПАСОН ТАКА**

Қизилқумни қай кун кесиб ўтаркан,  
Кўзим тушди жа бир пасон такага.  
Бир кўзи сурувда, бир кўзи ўтда,  
Тез-тез боқиб қўяр чўпон акага.  
Кўнғироқ — ўзида, уюр — бир сиқим,  
Аммо чўпонидан узилмас кўзи!  
Вожаб, шунча эрк, кенглик берсанг ҳам  
Бир қадам отолмас ўзича-ўзи.

**ТЎРТЛИКЛАР**

Кўкдан ерга бир не туташ кўринар,  
Умр — ўз бурчингни ўташ кўринар.  
«Авлодлар алмашар!» — деган гап бекор,  
Бу — ҳар кимни бир-бир синаш кўринар.

\* \* \*

Дехқон ўз хирмонин кўрмасин ҳеч кам,  
Дўстлар йиғилсинлар эрта ҳам, кеч ҳам.  
Ўз ер, ўз жойида яшасин эллар,  
Ўз эркин бошқадан сўрамай ҳеч ҳам.

\* \* \*

Терс феълли кимсалар кимнинг зуррёди,  
Тагин ҳар бирининг бордир устоди!

Покдил эл: «Ё ҳақ!» — деб ружу қилганда  
Буларнинг нимада бўларкан ёди!

\* \* \*

Қуёш ботган сайин узайди соя,  
Абадий зулматга кўмилди қоя.  
Ернинг нурга бўлган буюк софинчи  
Тоғларни юксалтиб турибди ғоят.

\* \* \*

Тегмадим. Чунонам қонимни сўрди  
Бир пашша шошилмай, обдан жойлашиб,  
Қизик, бир ўзининг нафси шунчами,  
Ё бошқа бировлар билан бўлишиб...

\* \* \*

Хув қора тўнка яшар неча аср,  
Умри ёлқин умрлар ичра каср.  
Урунманг энди уни ёқмоқ бўлиб,  
Балки ковақдир ичи, балки сасир.

\* \* \*

Қуёшман деб лоф уриб қолдинг,  
Жинчироққа ўхшайсан, кечир.  
Бўш жисминга кимдир ёғ қуйиб,  
Пилигингни кўтарар кимдир.

\* \* \*

Боғбон узум сувин қайга яширди,  
Кўза оғзин шуваб лойга яширди.  
Шарбат қирқ йил яшаб зулмат қаърида  
Фақат шиддатини яна оширди.

\* \* \*

Умр бир бурда нон, бир қарасам,  
Нон фақат умримга жон, бир қарасам.  
Умриму оламнинг бор хикмати  
Бурда нон ичра ниҳон, бир қарасам.

\* \* \*

Ул кўчгувчи қушлар на деб чекар зор,  
Хатто шамолнинг ҳам туққан жойи бор.  
Минг йил бир гўшада яшару инсон,  
Нега тил беқарор, имон беқарор?!

\* \* \*

Бу дунё устма-уст бир дўкон чиқар,  
Усти — зар, остидан устихон чиқар.  
Бунда оппоқ жилдли китоб олсанг ҳам,  
Ё ости, ёйинки усти қон чиқар.

\* \* \*

Неча йил ухлабман, жон-тан қотибди,  
Қарасам тепамда тонглар отибди.  
Сас келди: «Ер қаърин қоқ марказида  
Бир қуёш қамалиб порлаб ётибди!»

\* \* \*

Ҳажрингда ой каби йироққа ботдим,  
Қора ғамим билан чироққа ботдим.  
Йиғидан кўзларим булоғи қуриб,  
Фарҳод тешасидек мен тоққа ботдим.

\* \* \*

«Эҳ, бир шайтон урди!» — дейсан ҳар сафар,  
Ўзинга олмайсан айбни ҳеч маҳал.  
Мундоқ қараб турсам, бутун вужудинг  
Шайтанатга ўнглаб қурилган шаҳар.

\* \* \*

Кимнингдир бошида доим қора дуд,  
Кимнинг бору йўғи на зарар, на суд.  
Кимдир туғилгандан нисбаси нурдир,  
Ҳаёт шундай рангин ва шундай мавжуд.

\* \* \*

Шу замин халқимнинг тираги эрур,  
Шу эрк миллатимнинг юраги эрур.  
Шу байроқ, тикланган ғурурга инъом, —  
Зангори осмоннинг бўлаги эрур.

\* \* \*

Мен босган қадамни ерим тушунди,  
Ҳар бир нафасимни шеърим тушунди.  
Тилимда гоҳи гул унди, гоҳ тикан,  
Лекин ҳар сўзимни элим тушунди.

\* \* \*

Нега ҳар бир ғолиб киявермас тож,  
Нега мағлуб ҳам қолмас беилож?!  
Билдимки, осмоннинг эшиги битта,  
Дардли муножотга очилар Меърож.

---

---

**«ДИЙДОР АЗИЗ»**  
(2011)

**КОМИЛЖОН  
ОТАНИЁЗОВНИ ЭСЛАБ**

Рухимга бир садо келар  
Комилжонимни ёд этсам.  
Дилга нурли наво келар  
Комилжонимни ёд этсам.

Қадим денгиз Орол тўлар,  
Сир, Жайхунга хаёл тўлар,  
Тўлин бўлар, ҳилол тўлар,  
Комилжонимни ёд этсам.

Дилларда бир соғинч зиё,  
Ишқ боис айланар дунё,  
Шу бир номда минг ҳикмат жо —  
Комилжонимни ёд этсам.

Бобомурод, Карим Раҳмон,  
Раҳматжон, Ортиқ Отажон,  
Шу гулшан нақши Олмаҳон  
Буюкларимни ёд этсам.

Борки азиз зотлар ёди,  
Қўрк топар эл-юрт ҳаёти,  
Бу истиқлол саодати —  
Улуғларимни ёд этсам.

## ҲАЗИЛ ЛАПАР

Ай, бир айтин дедим-да  
Яхши кўражагимни.  
Сенга боғлаганимни  
Бори келажагимни,  
Бутун келажагимни.

Созчи тамбурни тузди,  
Дулдул арқонни узди.  
Дегиш қирғоқни бузди.  
Дарёга ким еткизди  
Нера боражагимни.

Гуллар булбулга айтди,  
Тонг ели элга айтди.  
Дарвеш оқилга айтди,  
Билмай, яна мен қайтиб  
Гап-сўз бўлажагимни?!

Чидадим алангага  
Чопмай Сирга, Гангага.  
Айтмай, ҳатто янгага,  
Сен билан гўшангага  
Бирга киражагимни.

Ҳой, Омон Матжон қани,  
Муסיқий жаҳон қани.  
Жон тикай, жонон қани,  
Билсин умрим ҳар онин  
Сенга беражагимни.

Чиқди сандикдан Тоҳир,  
Дарёда йўқ жавоҳир,



Ёлғизликда не татир,  
Бил, сен-ла аввал-охир  
Бирга қолажагимни.

Эҳ-ҳей, қиличбоз яшин,  
Тўкма булутлар ёшин.  
Кўр сен ишқнинг оташин,  
Хоҳ тонг, хоҳи шомнишин,  
Ёрни кўражагимни.  
Сени кўражагимни.

## **ЭЙ, СИРЛИ ДИЁР, ХОРАЗМ**

Эй, сирли диёр, Хоразм,  
Эй, нурли шиор, Хоразм.

Неча эврилган тарихнинг  
Сенда расми бор, Хоразм.

Сени кимлар туртиб-четлаб,  
Қилмади абгор, Хоразм.

Гоҳ сени сотди Гулдурсин,  
Гоҳ сотди Ўтрор, Хоразм.

Минг минорлар ўлкаси,  
Минг парчин девор Хоразм.

Мироби иқлим бўлгансан,  
Гоҳи сувга зор Хоразм.

Жаҳон алжабринда номинг  
Ҳар дафъа такрор, Хоразм.

Ўйноқи ғамдир куйларинг,  
Чалсам ёнар тор, Хоразм.

Шайх Нажмиддин баҳодир  
Кўксингда тумор, Хоразм.

Сенсиз бу Осиё найлар,  
Ё парвардигор, Хоразм?!

Сенга абад Жайхун ва Сир  
Шошмайди бекор, Хоразм.

Тўлар дарё, тўлар денгиз,  
Қолмагайсан зор, Хоразм.

Юртда не-не улуғ зотлар  
Сени деб бедор, Хоразм.

Ўзбекистон жамолида  
Сен нақши нигор, Хоразм.

Жаҳон меҳробида сўзим:  
Бор Хоразм, бор Хоразм!..

\* \* \*

Мен гоҳ мундоқ қараб, ўйга толаман,  
Қани кимлар бизнинг келажагимиз?  
Сафимизга эртанг ким келар экан,  
Кимга қолар экан келажагимиз?

Давронлар айланар тинмай, биламиз,  
Гоҳо қайғурамыз, гоҳо куламыз.  
Бугуннику обдан ташвиш қиламыз,  
Кимларга боғлиқ, хўш, келажагимиз?

Ким асрар Ватаним, юртим — элимни,  
Ким сақлар тарихим, она тилимни,  
Ким тутар умидли чўзган қўлимни,  
Кимларнинг қўлида келажагимиз?

Бугун тикланмоқда журъат, адолат,  
Орзулар уйғонди, дилда ҳарорат,  
Ғамирсилаб қолди, лекин адоват,  
Қийин бўлмасмикан келажагимиз?

Шундай пайт ўйлайман сизни, ёшларни,  
Шу овунч кўнглимдан қувлар ғашларни,  
Сабаб йўқ ҳеч эгиш учун бошларни,  
Кимнинг қўлида деб келажагимиз?

Чунки ёниқ юрак — офтоб, сиздадир,  
Улуғ истиқлолга шитоб сиздадир,  
Барча саволларга жавоб сиздадир,  
Сизнинг қўлингизда келажагимиз.

---

---

## ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИДАН ДУРДОНАЛАР

### ЗАМИН ТАҚСИМОТИ (Фридрих Шиллердан)

Зевс инсонларга деди: «Мана ер!  
Олинг, саховатим инъоми ушбу!  
Муқаддас меросга соҳиби таъмир —  
Мунда баҳамжиҳат яшанглар мангу!»

Дарҳол аломонга келди тўрт тараф,  
Гувраниб кекса-ёш оёққа турди.  
Дехқон кетди олтин қирларга қараб,  
Овчи ўрмон сари йўлини бурди.

Тожирга мулк тегди, аббатга — шабат,  
Карвону йўлларда, қиролда тизгин,  
Сарҳадларга соқчи қўйди беҳисоб:  
«Қани, тижоратдан бож-хирож чўзгин!»

Бир пайт денг, элдан сўнг, олис йўлдандир,  
Шоир етиб келар, не гап, беҳабар.  
Замин тақсимоти ўтиб бўлгандир,  
Унга кафтдек бир жой қолмабди магар.

«Воҳ, мен шўрпешона! Эй исми қодир!  
Содиқ бир ўғлингга наҳот ҳеч вақо?!» —  
Оҳ уриб юзтубан тушаркан шоир,  
Шундоқ ваъз айтади ул ҳукми якто:

«Беҳуда хаёллар сарҳадларида  
Кезмишсан! Малолдир энди талабинг!  
Қайда эрдинг тақсим соатларида?!»  
«Сенинг бирлан эрди дилим, матлабим!»

Нигоҳи — мунаввар сиймога пайванд,  
Нурли сўзларингга боғлаб имонни,  
Афв эт, ҳислари олий комга банд,  
Ерий инъомлардан беҳабар жонни!»

Шунда Зевс деди: «Иложи не, қани,  
На мисқол ер қолди, на шаҳрим — кентим.  
Мана, очдим осмон — Арши аълони,  
Бунда қачон келсанг, азизсан энди!»

## ҚЎЛҚОП

*(Фридрих Шиллердан)*

Оғир қафас қошида мағрур  
Қирол Франц ўлтирар ёвқур,  
Арслонларнинг қутиб жангини.  
Тахт гирдида кўшқларда юксак  
Аҳли кибор — аёлу эркак  
Эслатарди чаман рангини.

Ногоҳ қирол соҳиб маҳобат,  
Бажо этар хос бир ишорат, —  
Очилади залворли қафас.  
Тез ўртага чиқади шу он  
Боши юнгдор баҳайбат арслон  
Ва тек туриб қолади бирпас.

Теграсига шошилмай боқиб,  
Эснар, тарс-турс ёлини қоқиб,  
Чўзиларкан ерга эринчоқ,  
Гал иккинчи қафасга етар,  
Зил эшиклар очилиб кетар  
Қирол тагин имо қилган чоқ.

Бул қафасдан аччиқ ўкириб,  
Гоҳ ўк, гоҳ ёй шаклига кириб,  
Тажанг йўлбарс чиқар майдонга.

Норози, ўч кўрсатиб ўзин,  
Жағ ўйнатиб, ёндириб кўзин,  
Сўнг чўкади, арслон ёнига.

Қирол тагин имо қилганда  
Очилади учинчи тамба  
Ва тушгандек гулдирак ерга,  
Пайдо бўлар ўртада шу он  
Зуғум солиб йўлбарсу шерга!  
Чиқар икки ичиккан қоплон.

Ташланаркан йўлбарсга икков,  
Панжа солар ул ҳам қайтмай дов,  
Тикраяди тишлар ва туклар!  
Аммо бирдан тикланиб арслон,  
Ўкираркан, тинчланар майдон,  
Жимиб қолар асов «мушук»лар.

Айни пайтда заррин кўшкдан, воҳ  
Йўлбарс ва шер устига ногоҳ,  
Тушиб кетар нафис бир қўлқоп.  
Соҳибжамол Кунигунд шу дам  
Нозли, нафис киноя билан  
Боқар рицарь Деларжга алқаб:

«Жаноб рицарь! Севсангиз ростдан,  
Қасам ичманг, қўлқопни пастдан  
Олиб чиқиб беролсангиз бас!»  
Рицарь Делорж — орият соҳиб,  
Пастга тушиб кетар тик боқиб,  
Қизнинг сўзи тугар-тугамас.

Қўркув қайда! Қўзлари чақноқ,  
Махлуқларнинг ўртасидан нақ  
Бориб олар қўлқопни шоввоз!

Ҳаяжон ва ҳадикда турган,  
Тўда гувва таҳсин ўқиркан,  
Юқорига чиқиб борар фоз!

... Нигоҳида нозик майл, қув,  
Уни кутиб оларкан сулув,  
Йигит зарра этмайин парво,  
Қўлқопини отар жононга:  
«Зор эмасман сизнинг эҳсонга!»  
Ва тарк этар қизни шу асно.

### **ОШИҚЛАР БОДАСИ**

*(Шарль Бодлердан)*

Бу тонг тасвирига ожиздир калом!  
Арғумоқ на даркор, тут лиммо-лим жом,  
Маст-шодон учайлик, сурур ёримиз,  
Не маконлар изда чанг-ғуборимиз.

Ерга қувғин бўлган малакларсимон,  
Фалак ишқи билан ёниб хонумон,  
Мовий тонг биллури ичра ғаройиб,  
Сароб ёғдусидек бўлайлик ғойиб.

Хайрихоҳ бир олам қўйнида, суйкум,  
Борайлик нурли йўл очиб тақдирга,  
Учар юлдузлардек тўзитиб учкун.  
Икки ошиқ юрак ёнма-ён, бирга,  
Бир лаҳза чекилмай, инжилмай магар,  
Ўша мен кашф этган эртакка қадар.

### **СИЗ ТОҒЛАРИМ...**

*(Арслан Байирдан)*

Ой нуридан бир шуъла  
Инди бармоқларимга:

Бош эгдим — Дарёларимни  
Қор суви билан сийлаган  
Тоғларимга!  
Турфа оғочни қирқиб  
Туйдим: олов, ўт, ёлин...  
Лутфинг нафас турланди —  
Кўрдим какликлар ҳолин.  
Яланг толдек ҳис этдим  
Совуқ қиш қабоғини:  
Сирли мунг ва дам урган  
Қишнинг сур сабоғини.

### **КУН ВА ТУН**

*(Арслан Байирдан)*

Кеча келар,  
Кундуз келар  
Кимсасиз оқшомда  
Ёлғизликка суянч.  
Рухингни  
Оҳу кўзларидаги  
Ёшга менгзатма  
Майли оқсин ирмоқ бўлиб,  
Тоза, пок сувлар:  
Гуноҳларни коинот руҳинда  
Бўлишмоқ учун...  
Юрагимни қалбинг калити-ла  
Очмоқ зарур...  
Бу иш —  
Барча севги ҳикматларини  
Илғаш каби қийин.  
Лабимдан кўксингга кўчган  
Пичирлашларни  
Рухингни синаган  
Ошиқлик синоатларин  
Тўкмоқ учун.



Бармоқдаги илиқ Бирлик  
Туганмас бўшлиқ  
Бир-бировга соғинч, эҳтиёж  
Камоли буюк!  
Мен — шу ердан  
Битимсиз кечаларнинг  
Совуқ қоронғилигида  
Ширин эҳтирос-ла  
Сенинг кўзингни  
Эҳтирос-ла узатганда  
Қўлингни  
Дарҳол туймоқ истайсан  
Қўлим тафтини  
Энг ҳорғин ҳислар ичра  
Топмоқ учун  
Севги тўла бир қалбни  
Қўрқитмоқ истаган Тунда ҳам  
Ёлғизликка нақ ёвсан!

## **БОҒИНГ БОШҚАЧА**

*(Арслан Байирдан)*

Оҳ, қишлоғинг олмалари  
Ёш қиз ёноқлари каби.  
Бир сўлқим узум тутди ота.  
Хой, шу ерда дейман  
Хуру филмонлар насаби!  
Ўв, болакай тутган бир анор  
Бодом тутар ёш гўзал —  
Қўлида рангин сир бор  
Она, анжир бердингиз,  
Қай эртақдан бу асал?!  
Ноклар гўё жам новвот  
Ҳаво — дил тўла ғазал.  
Хув, бу қишлоқда абад

Бўй тарар қарағайлар.  
Бунда нақ тўрт фасл жам  
Шундай фараҳда қайлар?!  
Шу манзарани очик  
Қани тик тоғ кўрсайди  
Кафтда сув тутди гўзал,  
Буни булоқ кўрсайди!..  
Онажон, бир кафт тупроқ  
Тутдингизки нур хаёл:  
Кўз ўнгимда улғайди  
Анатўлия мисол...

**СЕНИ ЎЙЛАБ**  
(*Арслан Байирдан*)

Хаёлимдан кетмайсан ҳеч  
Хов, қачонлардан бери.  
Гўё бу ҳамма жойлар  
Шу хурлиқонинг ери.  
Ўнгу сўлим — сулув тимсол.  
Қулоғимда нур овоз.  
Туриб боқсам ҳамма ёқ бўш:  
Фалакдан бу руҳоний пардоз,  
Йўлда мудом ёнимдасан  
Ҳамқадамсан — ёдимда.  
Туйдим, мудом, абад бирга  
Яшайсан қабатимда.  
Аммо бари йўллар  
Ўтмоқда сенсиз.  
Лекин ҳув, тоғлар,  
Сен хаёло ижод этгани  
Бу кўл, бу денгиз.  
Ёнимда йўқсану  
Хаёл — ёр дунё шу қадар.  
Воҳ, нелар бўлар эди

Қошингда бўлсам агар.  
Юрак ҳар нени илғаб турар  
Ненидир чорлаб,  
Нимагадир ўзини чоғлаб турар!  
Қай устоз ёзиғини қарама,  
Дейди: Севгида шудир қисмат...  
Севги — фалак қуши-ку, нега  
Пастга тортмоқда абад.  
Аммо сен берган бир сурат бор,  
Қалбим — сен расмингни ийган нур.  
Учсанг, ух, сенинг-ла юксала кетаман.  
Рухим, жоним — қанотларингдадир!

### **ХОТИРАЛАР** (*Арслан Байирдан*)

О ёлғиз кечаларим!  
Э, э... қайлардан чўлғади  
Мени бу ёғду?!  
Суюклим, наҳот — Сен,  
Наҳот айланмоқдасан  
Теграмда...  
Воҳ, у — битта ўзи,  
хатим,  
ёзганимнинг битта қоғози.

Туйдим, хали, мени севиб  
Айланади, келолмай,  
Ойнинг, юлдуз ойнинг нур туғи.  
Биргина мени излаб!  
Иккимиз ўтган дала  
Йўлларига боқ:  
Бир сўқмоқни ювиб,  
Кетмоқда-ку, сой!

Бирини илаштириб  
Олибди тоғ...  
Қани, икковимиз чанқоқ  
Лаб тегизган гулкоса?!  
Битта барги хазон ҳам  
Унга теголмай, шундоқ  
Ёнлаб ўтди, ерга тушди —  
Биргина япроқ?

**ЯНГИДАН-ЯНГИ**  
(*Арслан Байирдан*)

Соғинч — надир, не чун  
Надин бу туйғу?!  
Илғай олмай ўтиб келдим  
Бир енгилтак танноз  
Саломидан қочиб.  
Ўртадаги не?!  
Ўтмиш сўроғими,  
Эрганга ундовми?!  
Ҳозир  
Юмушларни сайрга  
Кўкка ундайлик.  
Ҳозиргина оху кўзи тушиб ўтган  
Сўзсиз нур лаҳзани.  
Битта, ҳур нур юлдузни  
Танлайлик:  
Самон йўли Саййиди бўлиб  
Ҳакам бўлсин савдомизга...  
Ўша ғамим билан  
Чўққига урган эдим  
Ёнбошимни!  
Сенга келтирдим ўшал  
Лаҳзани!

---

---

## ОМОН МАТЖОН ВА БУГУНГИ АДАБИЙ ЖАРАЁН

*Ҳар гал,  
Ҳар шеъримда  
Ҳар тегганда қалб —  
Ўзим ўз қалбимнинг бўлсам Колумби*

Ҳозирги ўзбек шеърятининг буюк дарғаларидан бири Омон Матжондир. Унинг илк шеърӣ тўплами «Очиқ деразалар» (1970) номи билан нашр этилган. Шундан бери 40 йиллик ижодий тажриба ва меҳнат фаолиятига эга бўлган истеъдодли шоирнинг «Карвон қўнғироғи» (1973), «Қуёш соати» (1974), «Драматик дostonлар» (1975), «Ёнаётган дарахт» (1977), «Ярадор чақмоқ» (1979), «Ҳаққуш қичқириғи» (1979), «Сени яхши кўраман» (1983), «Дарахтлар ва гиёҳлар китоби» (1984), «Гаплашадиган вақтлар» (1986), «Минг бир ёғду» (1989), «Ўртамизда биргина олма» (1990), «Одамнинг сояси қуёшга тушди» (1991), «Қуш йўли» (1993), «Иймон ёғдуси» (1995), «Эркин ҳаволарда. Сайланма шеърӣ тўплам» (1997), «Ардахива» (2000), «Дийдор азиз» (2011), «Халоскор руҳ» (2012) каби 20 га яқин шеърӣ тўплам ва драматик дostonлари, шеърӣ, насрий қисса ва трагедияси чоп қилинди. Омон Матжон ўзбек халқининг дилбар, ҳақиқатгўй, севимли шоири. Унинг кўплаб шеърлари тугма-табиий, қўшиқ бўлиб яралган.

Омон Матжон 1943 йил 14 февраль куни Хоразм вилоятининг Гурлан туманида туғилди. Унинг отаси Матжон Жуманиёзов (1905—1976 йил 15 ноябрь) шу туманда почта бўлимининг бошлиғи лавозимида ишлар эди. Онаси Хотира Эрматованинг (1916—1946) умри жуда қисқа экан, ўттиз ёшга тўлганида тўрт фарзандини чирқиллатиб, боқий дунёга рихлат қилади. Омон Матжон иккита опаси ва акаси ҳақида болалик хотираларини биз билан баҳам кўрди. Ёш Омон онаси вафот этганида, уч яшар гўдак эди. Шу боис онаси Хотира опани эслай олмаслиги табиий ҳол эди, шоир тарбиялаб ўстирган ўғай онаси Ўрозбика она номларини жуда ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олдилар. Омоннинг тетапоя бўлиб, вояга етишишида унинг иккита опаси Гулсара ва Ойимжонларнинг ҳам улкан хизматлари бўлганлигини тусмол қиламиз. Минг таассуфлар бўлсинким, Хотира опанинг умри қисқалиғи, шум тақдири қизлари қисматиға ҳам битилган экан. Бу қисмат қизларига она мерос қолган эканми? Ёки бошқа бир сабабми? Билмадик... Омон аканинг эслашича, катта опаси Гулсара жуда хушрўй, одобли бўлган. Опасининг мактаб топшириқларини, айниқса, она тили ва адабиётдан берилган иншо ва машқларни зўр иштиёқ билан бажаришини кўриб, укаси Омон ҳам унга эргашиб, олти ёшида қишлоқдаги Оржаникидзе номидаги ўрта мактабга: «Мен ҳам мактабда ўқийман» — дея ўжарлик қилиб боради ва 1-синфга ўқишга қабул қилинади. Айниқса, опасининг ҳуснихати жуда гўзал, са-

водли, тоза ёзилганлигини Омон ака қувонч ва илиқ хотиралар билан эслади. Гулсара боши қаттиқ шамоллаб, шу дард билан гуллаган ўн олти ёшида оламдан кўз юмади. Омон аканинг хотирлашича, қизининг бевақт ўлими Матжон акани чуқур қайғуга ботиради, бир кунда қоп-қора сочлари оппоқ бўлиб оқариб кетади.

Омон аканинг иккинчи опаси Ойимжон эса турмушга чиқиб, йигирма олти ёшида бевақт вафот этади. Омон Матжон ота ва она бир туғишгани Зариф акани ҳам алоҳида тўлқинланиб, акасининг қизиқишлари ва феъл-атвори ҳақида гапирдилар. Зариф ога туғма санъат шайдоси бўлиб туғилган. Аммо тарих фани бўйича мутахассис бўлиб етишади. Самарқанд Давлат университетини тугаллаб, ўша ерда қўним топиб, бугун ҳам ўша ерда оиласи билан умр кечирмоқда.

Матжон аканинг иккинчи аёлидан туғилган фарзандлари Собир, Ҳамро, Қадам акалар бугун ҳам Гурлан туманида бола-чақали бўлиб, тинч ҳаёт кечиришмоқда.

Ёш Омон қалбида адабиётга, сўз санъатига меҳр-муҳаббатнинг уйғонишида икки опаси, акаси Зариф оганинг ҳам хизматлари улкан бўлди, десак янглишмаймиз. Албатта, шоир шахсиятининг шаклланишида, унинг бадий тафаккури, поэтик нигоҳининг камол топишида жуда кўп омилар, устозлар меҳнати, оилавий муҳит билан биргаликда шахсий мутолаа (газета-журналлар, бадий адабиёт мутолааси) ҳам катта аҳамиятга молик. Унинг шоир Ҳамид Олимжоннинг бувисига ўхшаган эртақчи бувиси, сўзга чечан энаси йўқ эди. Лекин қишлоқда

*халқ мутолааси, туркман шоирлари шеъриятига шайдолик, оқшомлар уюштирилган шеърхонлик ва дostonчилик анъаналари ёш Омон қалбини нурлантириб, шу даргоҳ сари етаклаган бўлса ажаб эмас. Бу соҳир кечалар ва бобоси — отаси, оиласи ҳақида қаҳрамонимиз шундай ҳикоя қилади:*

«Менинг катта бобом Хоразмда — Ферузшоҳ замонида — саройда девонбеги бўлганлар. Унинг исми Эрмуҳаммад бобо (Омон Матжоннинг туққан онаси Хотира онанинг отаси ҳақида гап кетаяпти — таъкид бизники. — М.Қ.) бўлган. Бу тарихни турли мавқели идоралардан истаб, ўрганиб кўрганман. Аммо 1917 йил бутун шўро мамлакатадаги «эврилишлар» оловида ёндирилган, тупроққа кўмилган. Амударёга ташлаб, оқизиб юборилган. Бу замон воқеалари ҳақидаги нолаларим «Икки дарё оралиғида» шеъримда бироз акс этган.

Менинг отам Матжон Жуманиёзов умри бўйи почта-алоқа тизимида ишлаганлар. («Жуман» — сўзи «дур, гавҳар» маъносини беради.) Эллигинчи йилларда, яхши эслайман: жойларда «шўро бува», «раис бувалар» муайян топшириққа асосан, колхозчининг миттигина даромадидан қатъий чегириб, обуна муайян тадбир қилиб қўйилар эди.

Отам ишдан келиб, ховлида қўй-сигирга ем ёки йўнғичқа ташлаб қўймаганимизни кўрсалар: «Ма, сигир, гаччининг олдина «Правда»сини ташлаб қўй!..» — дер эдилар.

Бу гаплар давр идеалогияси талабларидан келиб чиққандай бўлса-да, ўқиш-ёзиш, матбуотга



қизиқиш, билим салоҳиятимизни ажаб жонлан-  
тирган!

Сабаби болалик майли, ўзи дунёнинг турли  
информатив оқимларига ошуфта этади. Эсимда,  
қишлоғимизда чоллар кўпинча туркман шоирла-  
ри Мулланафас, Махтумқули шеърларини жуда  
кўп ўқишарди. Бизнинг уйимизда ҳам бу шоир-  
лар шеърияти катта қизиқиш ва меҳр билан  
ўқиларди. Яна шундай кексалар бор эдики, улар  
кечқурунлари йиғилишиб, доира чалиб, ашула-  
лар айтишарди. Аёллар эса кечалари мойчироқ  
ёруғида кўрак чувишиб, эртақлар айтишарди,  
халқ кўшиқларини куйлашарди. Мен, мактаб  
ёшига кирмаган бола, бу сеҳрли куй, кўшиқ,  
эртақларнинг барисини ухламасдан, қизиқиш би-  
лан, қандайдир бир ҳайрат билан тинглардим.  
Балки болаликдаги мана шу қизиқиш ва ҳай-  
рат менинг мурғак қалбимда шеъриятга бўлган  
улкан муҳаббат хиссининг илк куртақларини  
уйғотгандир».

*Омон Матжон ўқувчилик даврида мактаб-  
да деворий газета ишларига бош-қош бўлади.  
Бу газета саҳифасини расмлар, шеърлар би-  
лан тўлдирганини шоир биз билан бўлган  
суҳбатларида таъкидладилар. Ижодкорнинг  
ўқувчилик йилларида ёзилган «Балиқ билан чи-  
рик Тўр» номли илк шеъри айнан шу газета-  
да чоп этилади. Мазкур шеърнинг яратили-  
ши ҳақида шоир болалик хотираларини бизга  
эринмасдан гапириб бердилар. Айтишича, ёш  
Омон дўстлари билан Амударёдан оқиб кела-  
диган уй олдидан ўтадиган ёндан (сув йўли,  
каналдан кичикроқ сув йўли Хоразмда ён де-*

йилади. — М.Қ.) ёз кунлари балиқ тутишади. Дарё сувидан ичиб, чанқогини босишади. Балиқ ови билан боғлиқ ҳаётий воқеа ва деталлар шу шеърнинг яратилишига туртки берган, албатта.

Шеърда тўрга илинган Балиқ ва чириган Тўр мулоқот қилади. Бу услуб ёш шоирнинг болаларча бадиий тафаккури, фантазиясини акс эттирган бўлса, айни пайтда ўзи англаб-англамаган ҳолда мажозий, фалсафий шеър намунасини яратганлигига гувоҳ бўласиз. Чирик тўр — чириган тузум рамзи бўлса, тўрга илинган балиқ — собиқ шўро одами. Чирик тўр балиқни тезроқ овчига етказмоқчи бўлади. Аммо уддабурон, қўрқмас балиқ чириган тўрни доғда қолдириб, озодликка интилади. Бу ишнинг уддасидан чиқади ҳам. Шеър хулосаси чуқур оптимизм ва гуманизм гоялари билан суғорилган. Умуман шеърда ёш шоирнинг ижтимоий муносабатлар, эзгулик ва ёвузлик, тутқунлик ва озодлик ўртасидаги абадий зиддиятлар ҳақидаги ҳукм-хулосаси тимсолли образларда ўз аксини топган.

Шу йилларда Хоразмда шоир ва журналист Дўстжон Матжон қизгин фаолият олиб бораётган давр эди. У киши шеърятга ихлоси баланд бўлган ўқувчи Омонга ўзининг устозлик маслаҳатларини беради. Келинг, яхшиси булар ҳақида қаҳрамонимизнинг ўзларига сўз берсак:

«Биринчи шеърим эсимда, унинг номи «Балиқ ва чириган Тўр» эди:

Балиқ билан чирик тўр,  
Жанжал қилди жуда зўр.

Чирик Тўр дер: Балиқвой,  
Ишинг чаток, ҳолинг вой...  
Сени ўраб оламан,  
Ва халтамга соламан.  
Овчига етказаман,  
Кунингни битказаман.

Бу шеърнинг бошланиш қисми холос, у ёғи эсимда қолмаган. Бу шеър Янгибозор туман газетасида чоп этилган. Ўша йиллари Янгибозорда машҳур журналист ва шоир Дўстжон Матжон ишлаётган пайтлар эди. У менга шеър ёзиш санъати ҳақида маслаҳатлар ҳам берган. Биз бу инсон билан кўп учрашганмиз. У болалар шоири ҳам эди»

*Омон Матжон ота касбини эгаллаш учун мактабни тугатгач дастлаб, Тошкент Алоқа институти (ҳозирги ТАТУ)га хужжатларини топширади. Омадсизлик туфайлими бу олийгоҳ талабаси бўлиш шарафига муяссар бўла олмайди. Сўнгра шу институт қошидаги Алоқа техникумига ўқишга киради. Бир йиллик таҳсилдан сўнг она қишлоғига қайтиб келиб, томма-том юриб, кимнингдир телевизор антеннасини, яна кимнингдир радиосини, хуллас, нимаики техника жиҳозлари бўлса, уларни тузатиб-бузиб, устачилик билан шуғулланади. Қишлоқда монтёрлик вазифасини сидқидилдан бажаради. Радио-техникага ошиқлик унга ота мерос касб эди. Шу боис радиотехник Анвар образи ижодкорнинг «Гаплашадиган вақтлар» шеърини қиссасига бежиз олиб қирилмаган. Аслида қиссанинг бош қаҳрамони Анварнинг ҳаётини прототипи қайсидир маънода, Омон Матжоннинг ўзи. Китобга, техни-*

кага, кашфиётларга, билим олишга ўч Анвар шоирнинг ўша йиллардаги қиёфаси, дея таъриф этсак бўлади. Аммо ҳаёт унга бошқачароқ кашфиётчиликни инъом этди. Яъни, у техник кашфиётчи эмас, бадиий сўз кашфиётчиси бўлиб етишди. Мазкур қиссадаги кўпгина воқеалар, образларнинг ҳаётий асослари бор.

Жумҳурият матбуотида Омон Матжонни шоир сифатида кашф этган журнал «Шарқ юлдузи» бўлди. Бу хайрли журнал саҳифалари қанчадан қанча истеъдодли ижодкорларимизни кашф этиб, уларга оқ фотиҳа бермаган дейсиз... Ўшандан бери орадан 47 йил вақт ўтибди. Бугун у халқимиз ардоғидаги отахон шоирларимиздан.

Қаҳрамонимиз бугун қутлуғ етмиш ёш оstonасида турибди. У ўзининг таълим ва таҳсил йиллари ҳақида шундай ҳикоя этади:

«Мен 1961 йилда акам Зарифнинг маслаҳати билан Самарқанд Давлат университети филология факультетининг француз тили бўлимига ўқишга кирдим. Аммо иккинчи курсга ўтган йилим ҳарбий хизматга чақирилганман. Талабанинг ҳам ҳарбий хизматга чақирилиши тарихий-ижтимоий ҳодиса: чунки Иккинчи жаҳон уруши йилларида ниҳоятда кўп одамлар, айниқса, эркаклар қурбон бўлиб кетишган. Отамнинг елкасида урушдан олдинроқ авто-авария туфайли содир бўлган жароҳат бор эди, шундан уни фронтга олишмаган.

Шундай қилиб, мен 1962 йилда хизматга кетдим ва ўша пайтда Германиянинг Дрезден, Майсен шаҳарларида уч йил ҳарбий хиз-

мат бурчимни ўтадим. Ҳарбий қисмимизда жуда катта кутубхона бор эди. Мен ўйладим: уч йил — минг кун... Ҳар куни ё сал бўш қолсам, китоб ўқийман! Кўп ўқиш болаликдаги ички қизиқишимга руҳий қувват берди. Шеърлар ёза бошладим. У пайтларда аспирантларга ҳарбий хизмат муддати икки йил эди. Ленинободлик Исокул Тўрақулов деган ҳарбий-хизматчи дўстим шеъримдан бир-икки дастасини Тошкентга олиб кетди. У шеърларимни ўша пайтда «Шарқ юлдузи»да ишлаётган устоз Шухрат акамларга бериб кетибди. Устоз эҳтиромли эътибори билан, бирга ишлашаётган Ҳусниддин Шариповга оқ йўл ёздириб, 1965 йилнинг 6-сон (июнь)ида «Солдат ўйлари» туркуми остида шеърларимни эълон этишган. Отам битта журнални ҳарбий қисмга жўнатганлар: Мен журнални олдим. Шундай қилиб, мен ҳарбий хизматдан шоир Омон Матжон бўлиб қайтиб келдим. Хизматдан қайтишда ҳарбий кийимда «Шарқ юлдузи» журнал редакциясига кириб, Шухрат акамлар билан учрашдим... Устоз мени қучоқлаб: «А-ай, солдат, гонорар олдингми?» — дедилар... Мен Хоразмга — уйга — Боғолонга эртасига ярим кечаси етиб бордим...

1965 йилда хизматдан қайтиб келиб, до-рилфунунда ўқишни давом эттирдим. Лекин мен энди француз филологиясида ўқишни да-вом эттиришни хоҳламадим. Ҳарбий хизматда юрган пайтимда қарорим ўзгарди. Ўқишимни ўзбек филологияси факультетига ўзгартириб олдим. 1969 йилда таҳсилни тугатгач, устозларим мени шахри азим Тошкентга жўнатишди, бу ерда Навоий кўчасида жойлашган Фафур

Гулом нашриётида ишлашга имкон, йўл-йўрик беришди.

Бу нашриёт — у пайтлар бутун республикада танилган нашр даргоҳи эди. «Навоий — 30!» — деярли барча йирик босмаҳоналар, газета-журналларга ҳам меҳрли мураббийлар маскани бўлиб, ўша йиллари, узоқдан бўлса ҳам Ойбек, Саид Аҳмад, Саида Зуннунова, Кибриё Қаҳҳорова, Шухрат ва бошқа кўплаб ижодкорларни кўриш бахтига муяссар бўлганман.

Университетда бизга дарс берган Воҳид Абдуллаев, Улуғ Турсунов, Нуриддин Шукуров, Қўнғуров каби азиз зотлар устозларим бўлганидан фахрланаман».

*Омон Матжоннинг биринчи шеърий тўплами 1970 йилда «Очиқ деразалар» нашр этилгач, адабий танқидчилик, жамоатчилик унга илиқ муносабат билдирди. Маълумки, шоир уруш йилларида туғилди, айни мурғак болалик йиллари уруш ва урушдан кейинги қийин ижтимоий-тарихий даврга тўғри келди. Мамлакатда одамлар моддий жиҳатдан фаровон, тўқ, очиқ-сочиқ дастурхон устида ҳаёт кечирishiмаётган эди. Эҳтимолки, айни шу моддий, ижтимоий, руҳий қийинчиликлар Омон аканинг онаси Хотира опа, опалари Гулсара, Ойимжонларнинг ҳам тақдирига, соғлиғига ўзининг машғум тамгаларини босган бўлса керак. Бу шунчаки тахмин, тусмол эмас. Айни ҳақиқат эди. Шу боис кўп қийинчиликлар, замона қаттиқликларини бошидан кечирган ёш шоир илк шеърий китобини «Очиқ деразалар» деб номлади. Сарлавҳага чиқарилган шеър матни-*

га эътибор қаратсак, Омон Матжоннинг ижодий кредоси, бадиий-эстетик аъмоли бор бўйи басти билан кўз олдимизда намоён бўлади: шоир ўз деразасини, дераза ортидан ёғду, соя, кулги эшитилиб турадиган фаровон, осойишта оила, руҳий хотиржам уй, ватанни орзу қилади. Ёш шоир ўз йўлини излайди, бедор руҳий тўлғонишларини шеърга солади. Мазкур тўпلامга кирган «Очиқ деразалар», «Шеъроят», «Бошқалардек севишдик биз ҳам», «Фирюза», «Шар», «Дўстларим», «Бугдой» каби ўнлаб шеърларида шоирнинг олам ва одам муносабатларига лиро-романтик, фалсафий, патетик, ҳиссий тафаккури ўз муҳрини босган.

Омон Матжон шеърдан-шеърга, фикрдан-фикрга, образдан-образга ўсиш ва ўзгаришда давом этди. У бадиий ижодда тиним билмай меҳнат қилди. Натижада унинг ўн бешдан ортиқ шеърый тўпламлари, ўнга яқин драматик достонлари, қиссалари дунё юзини кўрди.

«Ёнаётган дарахт» китобида айнан шу номдаги шеър ҳам бор. Аслида ёнаётган дарахт — бу ижодкор тимсоли. Рамзий, мажозий тимсолли образлар Омон Матжон шеърларининг меҳварини ташкил этади ҳамда кўп қатламли ва кўп овозли шеър яралшига замин ҳозирлайди. Шеър мағзига фалсафий мағнолар сингдирилган. Шеърый китобларнинг сарлавҳа номлари ҳақида шоир шундай дейди:

«Очиқ деразалар» — урушдан кейинги тинчлик даврида пайдо бўлган элдаги умум осойишталик — турли миллий урф-одатларнинг тиклана бошлагани тинчлик белгиси, эди бу. «Очиқ

деразалар» — бу — юрак, рух, иймон учун гўё янги очилаётган деразалар...

Китобларимнинг номлари кўнглимда, ҳали асарим чиқмай, кўп олдин зоҳир бўлиб юрар эди. Ҳозир ҳам...

«Карвон кўнғироғи». Тасаввур қилинг, қадим Хоразм замини, овул-элини! Бу қадимий карвон йўллари диёри...

Хоразмнинг барча шаҳар, кент, овул-қишлоқларининг, ҳар бирининг номи жуда қадим пур маъно. Битта Боғолонни олинг, Бўзқалъа, Чўболончи, Мискин бобо... Амударёнинг «орқа» — шимоли «Қирққиз», «Тупроққалъа», «Элликқалъа» ...

*Омон Матжон ватанимиз тарихи, маданияти, урф-одатлари, фольклорини, ўзга халқлар тарихини чуқур биладиган, бир сўз билан айтганда, улкан билим ва тафаккур эгаси. Бу фазилятлар ва катта маънодаги ижодий қувват унинг шеъриятида ёрқин кўринади. Тинимсиз ўқиш-мутолаасиз, билимсиз бундай улкан истеъдод билан ёзилган шеърятни яратиш мумкин эмас эди. Яна Омон Матжон шеърларидаги руҳ шундан иборатки, у дунё кўрган, кўп инсонлар билан танишган, уларнинг ҳаёти, дарду изтиробини чуқур ҳис этган ижодкор сифатида кўз олдимизда намоён бўлади. Адабиётшунос У. Норматов уни: «Омон жаҳонгашта шоир», деб таърифлаган эди. Унинг шеърларида халқоналик, аллегорик образлилик, ижтимоийлик, прозага хос эпик тасвирни шеърӣй йўлда ифодалаш, фалсафӣйлик, ҳақиқатпарастлик, давр фожиаларини, инсон дардини дадил айта*



олиш каби шоирнинг ижодий кредоси манаман деб кўриниш беради. Шу маънода, унинг юксак, баланд бадиий маҳорат натижиси ўлароқ, «Гап-лашадиган вақтлар» шеърий қиссаси, «Паҳлавон Маҳмуд», «Хоразмийнинг тўрт саёҳати ва саккиз башорати», «Тўғон», «Ҳаққуш қичқириги» каби драматик, фалсафий, тарихий дostonлари, ижодининг сўнгги йилларида эса «Нажмиддин Кубро» трагедияси, «Тўрабекахоним» насрий қиссаси яратилди.

Омон Матжон лирик, лиро-эпик, драматик турнинг турли жанрларида баракали ижод қилди. Шу билан бирга, моҳир таржимон сифатида ҳам уни яхши биламиз. Жумладан, хорижлик шоирлар Шиллер, Бодлер, Евтушенко, Расул Ҳамазатов, Юстинас Марциняквичюс, Шандр Петефи, Берди Кербобоев, Сухроб Тоҳир, Ибройим Юсупов ва ҳ.к. немис, рус, литва, туркман, қорақалпоқ, француз халқлари адабиёти вакиллари ижодидан оригинал бадиий таржима ишларини ҳам амалга оширди. Немис адабиётининг истеъдодли адиби Шиллернинг «Замин тақсимоти» ва «Кўлқон» балладаларини катта истеъдод ва маҳорат билан аслиятдан (тағлама матн орқали) ўзбек тилига ўғирди.

Зеро, бадиий таржима ҳам алоҳида санъат ҳисобланади. Таржимон билан ўзга миллат ижодкори руҳияти ўртасида қандайдир уйғунлик, руҳий яқинлик бўлиши лозим, дейишади таржима назарияси билан шуғулланувчи олимларимиз. Омон Матжоннинг мўъжазгина таржимонлик фаолияти ҳақида унинг ўзларидан эшитсак:

«Таржималарга келсак, мен жуда уста таржимон эмасман. Муайян вақт учун, ижодий жараён руҳига бир «Хорманг!» тарзида кучим етганча Евгений Евтушенко, Бодлер, Шиллер ва бошқа шоирлардан озгина таржималар қилдим. Е.Евтушенко билан жуда яқиндан ижодий ҳамкорлик қилганмиз. У менинг шеърларимни рус тилига таржима қилди. Ҳатто, хонадонимиз меҳмони ҳам бўлган. Жуда яхши эслайман, у киши билан биринчи маротаба Тошкентда учрашганимизда шундай деган эди: «Мен минглаб юлдузларни кашф этган буюк мунажжим Мирзо Улуғбек туғилган она заминни, унинг одамларини бир кўрсам эди! — деб орзу қилардим. Улуғбек, Беруний, Ибн Сино, Ал-Хоразмий каби буюклар туғилган юрт одамлари қандай экан? Улар қандай тилда гаплашар экан? Улар қандай миллат экан? — деб қизиқар эдим. Ниҳоят мен шундай қутлуғ заминни кўриш бахтига муяссар бўлдим!» — деган эди. Евтушенко асли сибирлик. Музлар, қорлар қопланган бир юртдан...

Тўғри айтасиз, таржимонлик иши машаққатли касб, таржимон билан ўзга ижодкор ўртасида, албатта, руҳий боғлиқлик бўлиши шарт. Шу маънода мен таржима қилган шоирларнинг руҳини топа олдим, деб ўйлайман. Балки, шунинг учундир, улар ўзбек бадий таржима адабиётида ўз ўрнини топа билди. Хусусан, Евгений Евтушенкoning Ўзбекистондаги энг ишончли таржимони мен бўлиб қолдим. У менга шундай ваколат берди: «Фақат Омон Матжонгина менинг шеърларимни таржима қилсин!»

Яна бир гап: 7–8-синфларда ўқиб юрган пайтларимда менда бир орзу пайдо бўлган эди: «Қани қирқ ёшимгача ҳечқурса ярим дунёни кўриб келсам...» Пирлар ёр бўлди — шу ниятим амалга ошди. Мен Франция, Америка, Германия, Чехославакия, Туркия, Мўғулистон, Россиянинг кўплаб шаҳарлари Москва, Свердловск каби мамлакатларга саёҳат қилдим. Французларда шундай гап бор экан: «Уч марта Парижни кўрмаган шоир — шоир эмас!»

Эҳтимолки, хорижий мамлакатларга қилган сафарларим ҳам бадиий таржимага туртки бергандир...»

*Омон Матжон драматик, шеърий дostonларида тарихий шахслар ҳаётига кўп мурожаат этди. Масалан, Ал-Хоразмий, Паҳлавон Маҳмуд, Беруний, Маъмун, Нажмиддин Кубро, Дравор хоним каби тарихий образлар қатор драматик дoston, трагедия ва қиссаларида акс эттирилган. Тарихий асар яратишда ўзига хос бадиий шартлилик талаблари мавжуд. Масалан, ижодкор тарихий фактни айнан кўчириб эмас, унга бадиий тўқима образлар қўшиб, воқеликни хаёлан тўлиқ тасаввур этиб, тарихий воқеликни бадиий ҳақиқатга айлантиришда бир қанча мезонларга таяниши лозим. Ўтмишни тасвирлаш учун, табиий равишда ўша давр лексикасини асарда қўллаши, тарихий-миллий колоритни асарнинг тан-танига сингдириб юбориши лозим бўлади. Қолаверса, тарихий асар фонида замонавий кунтартибдаги муҳим ижтимоий, маънавий-ахлоқий, фалсафий ғояларга ҳам жиддий эътибор берилиши лозим.*

Омон Матжоннинг «Дийдор азиз» номли янги китобига иккита тарихий асар киритилган. Улардан бири тасаввуф илмининг салафларидан бири, кубровия тариқатининг асосчиси Нажмиддин Куброга бағишланган. Трагедияда Нажмиддин Кубро тимсолида иродаси кучли шахсни кўрадимиз. Бу валийтарош, мутасаввуф образ тимсолида ватанпарвар, миллатпарвар, инсонпарвар комил шахс образи мужассамлаштирилган. Ижодкор тез-тез тилга олганидек, Нажмиддин Кубро ерий инъомлару, ерий орзу-истаклардан анча юқорига кўтарилган олган киши.

«Нажмиддин Кубро» трагедиясида жиддий танқид этилган маънавий, ижтимоий муаммолардан бири — хиёнаткорлик, сотқинликдир. Ватанимизни, миллатимизни ҳимоя этиши учун ички низоларга барҳам бериш керак. Ички низолар, адоват-кин, кўра олмаслик, катта истеъдодларни тан олмаслик, қандай бўлмасин уларни мағлуб этиши учун бутун бошли миллатни маҳв этишига муваффақ бўлган худкашлар образи кўрсатиб берилган. Мазкур трагедиядаги салбий иллат, бундан салкам 20—30 йил олдин ярилган «Беруний», «Ал-Хоразмий», «Паҳлавон Маҳмуд» драматик дostonларида ҳам ишонарли очиб берилган эди. Демак, Омон Матжон шахс табиатида хос хиёнаткорлик, сотқинлик, кўра олмаслик каби ижтимоий салбий иллатларни қизил ип мисоли кўпгина асарларида давомий ўрганади, аёвсиз танқид қилади.

«Нажмиддин Кубро» трагедиясининг яратилиши, ижодий жараён лаҳзалари ҳақида сўраганимизда, шундай жавоб бердилар:

«Мен бу асарни йигирма йил олдин ёзиб қўйган эдим. Лекин уни нашр этишга давр йўл қўймади. Чунки унинг бош қаҳрамони буюк тасаввуф олими, пиримиз Нажмиддин Кубродир. Шу китобга кирган иккинчи қисса ҳам тарихий мавзуда. Ҳар икки асар «Осиё қаҳрамони!» дейиш мумкин бўлган инсонлар — Нажмиддин Кубро ва Драворхоним ҳақида ёзилган. Ўрта мактабда ўқиб юрган кезларимизда тарих ўқитувчимиз биз ўқувчиларни Хивага зиёратга олиб боришган. Шунда муаллимимиз Дўсиммат ака Нажмиддин Кубро билан Тўрабекахоним ҳақидаги тарихий ҳикоятларни гапириб берган. Шу ҳикоятлар менга кучли таъсир қилган эди, ўша пайтда. Қолаверса, Хоразм тарихини ўрганган рус олими Толстовнинг китобларига суяндим. Умуман, мен асосан ижодимда, X—XIII асрлар Хоразм тарихини, шу даврдаги энг машхур, қаҳрамон деб аташга лойиқ шахслар ҳақида ёзим».

*Шеърятингизни таҳлил этган танқидчиларимиз «Омон Матжон шеърятинида халқона оҳанг билан бирга фалсафийлик, тарихийлик ва мавзулар ичида интим лирика жуда эҳтирос билан очилган», дейишади. Умуман, аёл образи сизнинг ижодингиз ва ҳаётингизда қандай ўрин тутуди? «Аёлга мақтов», «Сирларим», «Ферузанинг рақслари» каби шеър ва назмий тизмаларингиздаги умумий гоя аёл образи ва унга бўлган муҳаббатингиз ташкил этади. Лирик-романтик мавзудаги шеърларингизнинг яралишига қайси аёллар сабабчи бўлган? — деганимизда, саволимизга қаҳрамонимиз кулибгина жавоб бердилар:*

«Шоир одам учун кўчадами, вокзалдами, аэропортдами кўринган бир гўзал чехра бир мартагина қиё боқиб қўйса ҳам шуни ўзи етарли. Муҳаббат ҳақида шеър ёзиш учун аёл кишининг гўзал чехраси, кулиб турган юзи ёки кўнғирокдек овозини эшитишнинг ўзи етарли. Менинг ҳам шеърларимда худди шундай. Мен ўзимнинг ҳиссиётларимни, туйғуларимни шеърга солдим. Умуман, шоир одам инсонни севади. Агар у одамларни, ҳаётни, ватанни севмас экан, у шеър ёза олмайди...

Бу ҳақда менинг тушунчаларим шундай, Марҳабохон...»

*Омон Матжон шеърятининг асос-ўзагини Хоразм нафаси, хоразмлик одамлар, хоразм тарихи, хоразмнинг қадимий минг йиллик урф-одатлари, хоразм характери, табиати, иқлими, қисқаси, Хоразм миллий колорити ташкил этади. Шоир асарларидан Хоразм оҳанглари уфуриб туради. «Сиз Хоразм заминида туғилганингиздан, гурланлик эканингиздан фахр ҳиссини туясизми? Гурланликлар қайсар, ўжар одамлар бўлади. Сизнинг табиатингизда ҳам шундай хислатлар борми?» — деб сўраганимизда, Омон ака шундай жавоб қилдилар:*

«Хоразмда менга энг катта раҳбар ҳам, боғчага кетаётган болакай ҳам бари руҳ гўзаллиги, эҳтироми деб биламан! Ижод ҳам гоҳида шахмат ўйинини эслатмайдими? Менда унча ҳам шахматчиликка салоҳият йўқ. Баъзан, бир пиёдани юриш кифоя! Шоҳнинг ҳимояси эса асосий ғоя!

Албатта, Марҳабохон, мен буюклар туғилган она замин Хоразмда туғилганимдан фахрланаман! Унинг ҳар бир қарич ери, одамлари, янтоғи, чўли, суви — ҳаммаси мен учун бирдек қадрли!

Биласизми, мен «Ҳаққуш қичқириви» достонимга «Гурланликлар» ҳақида бир афсонани киритган эдим. Умуман, Гурлан ва гурланликларнинг пайдо бўлиши ҳақида турли тахминлар, халқ афсоналари, чўпчаклар юради, халқ орасида. Шулардан биттаси: кўр ва ланг одам ҳақидаги афсона. Шу афсонанинг моҳиятидан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, гурланликлар уддабурон, ишнинг кўзини биладиган, офир ша роитдан, халқ таъбири билан айтганда, «тегирмондан бутун чиқадиган» халқ деб ўйлайман. Менда ўша ота-боболаримнинг характер, фазилатлари бор, албатта...»

*Омон Матжон ҳаёти ва ижодининг асосий қисми шўро замонида кечган бўлса-да, унинг асарларида ўзбек халқининг бутун фожиалари, дарди, изтироби, экологик, ижтимоий, маънавий-ахлоқий муаммолари баралла айтилган. Масалан, биргина «Гаплашадиган вақтлар» шеърини қиссаси бунга мисол. Шоир ҳаёти ва ижодини тадқиқ этган Ж.Жумабоева мазкур қиссани «кўп тармоқли асар», У.Норматов эса «мураккаб асар», деб белгилашган. Унда ўша пайтларда айтилиши мумкин бўлмаган жуда жиддий муаммолар кўтариб чиқилган. Бинобарин, асарда экологик фожиалар: Оролнинг қуриши, Хоразмнинг туз бўронлари остида қолиши, далаларга сепилаётган заҳарли кимё-*

вий дорилар — бутифоснинг самолётдан сепилиши оқибатида атмосферанинг булғаниши, шу билан бирга, инсоннинг ҳам захарланиб, жабрланиши, 37-йиллардаги репрессиялар, маъитларнинг бузилиши, муқаддас китобларнинг йўқ қилиниши, ваҳшийликлар, совет ҳокимияти йилларидаги пахта яккаҳокимлиги, қозғозбозлик, қуруқ планвозлик, болалар меҳнати, турғунлик йилларидаги аёлларнинг ўз жонига қасд қилиши, илм-маърифатнинг қадрсизланиши, инсоний тўғуларнинг топталиши сингари турфа муаммолар қаламга олинган. Қиссанинг бадиий композицион қурилмаси жуда мураккаб, унда Омон Матжон чорраҳали сюжет қурилишини истифода этган.

Омон ака билан оғзаки суҳбатимиздан сўнг англаб етдимки, шеърий қиссанинг бош қаҳрамони Анвар ва муаллиф образи аслида, муаллифнинг иккига ажралган прототипи экан. Анвар — тафаккури илгариланган, ҳақиқатпараст, оила ва муҳаббат бобида икки аёл ўртасида қолган мураккаб тақдир кишиси. Қиссада анъанавий учлик формула кузатилади: яъни, Анвар — Раъно — Гулшан учлиги. Қиссадаги Қўзи наган, Содиқов, Унсин, тўрт дарвеш, сирли хурмо сингари образ ва мажозий тимсоллар ўқувчини чуқур ўйлашга мажбур этади. Шеърий қиссада ўзбекнинг бутун бошли тарихи, ўтмиши, совет давридаги фожиалар, хусусан, қишлоқ шароитида яшаётган инсоннинг эрки, қадр-қимматининг нақадар топталиши ҳаққоний кўрсатиб берилган. Пахта яккаҳокимлиги, пахта, ер, даладан бошқани билмайдиган соддадил ўзбекнинг ҳаёти жуда аниқ-



тиниқ очилган. Пахта плани дейилган замон ва заминда инсон ҳақ-ҳуқуқларининг даҳшатли даражада топталиши кўрсатиб берилган. Пахта қадрлироқми? Инсонми? — деган парадоксли мулоҳазалар пайдо бўлади, қалбингизда. Омон Матжон шеърларида қат-қат фикр, қат-қат ҳислар деган ибора тез-тез ишлатилади. Жоиз бўлса, «Гаплашадиган вақтлар» шеърӣ қиссаси қат-қат муаммолар, қат-қат фалсафа, қат-қат маънолар мавжуд серқирра асар. «Битта акса урса, ўттизта протокол тузилади», деган битта жумла билан собиқ шўро давридаги даҳшатли қозғозбозлик, расмиятчилик устидан шоир қаҳқаҳа уриб кулади, ўтли қалам кучи билан мавжуд ижтимоӣ иллатни аёвсизларча танқид этади. Қиссада англашимча, биографик деталлар билан бир қаторда, тарихий воқелик, тарихий шахслар ҳаёти яширин бир тарзда берилган. Мазкур ўринларга бироз аниқлик киритиб беришини шоирдан сўрадик. «Тўрт дарвеш образини яратишдан мақсадингиз нима эди? Нима учун дарвешларга исм қўймагансиз? Айтинг-чи, шундай асар яратишга куч ва жасоратни қаердан олдингиз?»

«Тўғри англабсиз, қиссада тўрт дарвеш образи бор. Уларга мен атайлаб исм қўймаганман. Чунки, мен дастлаб Аҳмад Яссавӣ образини яратмоқчи бўлганман, шу қиссамда. Лекин бу пиримизнинг номлари ҳам, асарларини ҳам ўқиш, уни тарғиб этиш қатъиян ман этилган давр эди. Биласиз, Аҳмад Яссавӣ бобомиз 63 ёшга тўлганларида «Пайғамбаримиз (с.а.в.)дан ортиқ умр кўришни ўзларига эп кўрмай, ер

остига кириб кетган! «Гаплашадиган вақтлар» қиссамдаги сирли хурмони Анварга етказиб олиб келган дарвеш аслида бу — Аҳмад Яссавий эди.

Бир замонлар биргина сатр шеър учун ижодкорларимиз қатағонга учраган...

Пирларим мени қўллаганми? — Билмадим, мен «Гаплашадиган вақтлар» деган жиддий бир асар яратган бўлсам-да, ана ўшандай балолардан эсон-омон ўтиб, шу кунларга етиб келдим... «Ҳаққуш қичқирғи», «Гаплашадиган вақтлар», «Карвон қўнғироғи» сингари китобларим бугун ҳам дунёнинг турли кўп информ нашрларида фойдаланилаяпти. Мен бу жиҳатдан жуда бахтли ижодкорман!»

*Омон ака Тошкентда иш фаолиятини бошлаган даврларида, Навоий — 30 кўчасида бўлажак рафиқаси Мақсуда Тоҳирова (1946 йил 29 июнда туғилган) билан танишиб қолади. У ўша пайтларда ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети ўзбек филология факультетининг кечки бўлимида таҳсил оларди. Шу билан бирга, нашриётда мусахҳиҳ лавозимида ишлар эди. Уларнинг дунёқарашлари, гаплашадиган гаплари, интилишлари, ҳаётга муносабатлари мос тушади. Шундай қилиб, икки ёш турмуш қуришга аҳду паймон қилишади.*

*1970 йилда Омон Матжон билан Мақсуда опаларнинг муборак никоҳ тўйлари бўлиб ўтади. Мана, улар 43 йилдан бери бирга умргузаронлик қилишмоқда. Тўрт фарзанднинг ота-онаси. Матжоновлар сулоласи давом этмоқда. Фар-*

зандлари: Райҳона, Диёр, Элёр, Назиха. Уларнинг касблари: иқтисодчи, техник, шарқшунос (япон тили мутахассиси), психолог.

Албатта, Омон аканинг оилавий ва ижодий ҳаёти бир текисда, силлиқгина кечмади. Турмушнинг кўп муштларини татиб кўришга мажбур ҳам бўлди. Ёки адабиёт майдонида ижодий рақобатчилик, кўра олмаслик жабрини ҳам тортди. Аммо у инсоний ва ижодий эътиқодига (ҳалоллик, тўғрисиўзлик, адолат) доимо содиқ қолди.

Дастлаб нашриётда иш фаолиятини бошлаган Омон Матжон турли журнал ва таҳририятларда (Ғафур Ғулом нашриётида 16 йил, «Ёшлик» журнали бош редактори лавозимида 4 йил, масъул лавозимларда 4 йил, «Чўлпон» нашриёти директори лавозимида 4 йил, «Гулхан» болалар журнали редактори лавозимларида) фидойиларча меҳнат қилди.

Бугун Омон ака неваралар ва қизгин ижодий меҳнат қўйнида яшамоқда. 1968 йилда яратган «Шеъроят» шеърисида шоир шундай деган эди:

Шеъроят — ҳамманинг ўзи, ўзлиги!  
Шеъроят ўзинг-ку, қалбдан-қалбларга  
Эзгуликнинг беқиёс ганжин  
Ишонч қозғосисиз элтиб бергувчи!  
...Мен ҳам шошиляпман сенга, шеъроят!  
Сен сари кетгувчи улкан кемадан  
Фақат юкларимга жой топсам, майли.  
Шеъроят!  
Шу ишонч тинчитмас такрор,  
Сирли кашфлар сари судрар солимни.  
Сенга содиқлигим байроғи шулки,  
Ҳар гал,

*Ҳар шеъримда  
Ҳар тепганда қалб —  
Ўзим ўз қалбимнинг бўлсам Колумби.*

*Омон Матжон Американи кашф этган ден-  
гиз сайёҳатчиси Колумб сингари ўз қалбининг  
кашфиётчиси бўлди! «Омон ака сизни илк бор  
ўзбек халқига танитган «Шарқ юлдузи» жур-  
нали таҳририяти ва мухлисларингизга тилак-  
ларингизни изҳор этсангиз!»*

Мархабо Қўчқорова суҳбатлашди.

---

---

## МУНДАРИЖА

«Умр ўтар, вақт ўтар...» .....	3
<b>«Очиқ деразалар» (1970)</b> .....	4
«Кимнидир ахтардим, ахтардим узок...» .....	4
Юракка .....	4
«Кўзларингни яширгил мендан...» .....	4
Шеърият.....	5
«Беланчакда ётар коинот...» .....	6
«Бошқалардек севишдик биз ҳам...» .....	6
Бобур.....	7
<b>«Карвон қўнғироғи» (1973)</b> .....	8
Эшигингдан ўтаман .....	8
Аму.....	9
Эски ўчоқ .....	9
Масал .....	10
«Қалбимдан сир ахтармагил сен...» .....	11
Ўн учинчи эшик.....	11
«Хаёлимда яшар бир наргис...» .....	16
<b>«Қуёш соати» (1974)</b> .....	18
(насродаги назмлар китобидан)	
Насродаги назм .....	18
<b>«Ёнаётган дарахт» (1977)</b> .....	24
Сирларим .....	24
Ёнаётган дарахт .....	25
Ғафур Ғулом хотираси.....	26
Огаҳий ғазалига мухаммаси мулоқот .....	26
Ғўдак феълли дўстимга (ҳазил) .....	29

« <b>Ярадор чақмоқ</b> » (1979).....	31
«Киши кайфияти, руҳига қараб...».....	31
«Йиғладинг-у... кулдинг...» .....	33
«Сен кетурсан, изингдан...» .....	33
Айрилиқ .....	34
«Меҳр кўзда эмас...» .....	35
« <b>Сени яхши кўраман</b> » (1983).....	36
Хоразм рақси .....	36
«Қўшжонов домланинг уйида...» .....	36
Клод Моне чизган манзара ( <i>Асқад Мухторга</i> ).....	37
Сени яхши кўраман.....	39
« <b>Дарахтлар ва гиёҳлар китоби</b> » (1984).....	48
«Гарчи инсон умри фалакдан эҳсон...» .....	48
Нозим Ҳикмат зиналари.....	49
Қўшиқ. ( <i>Мирийга ўхшатма</i> ) .....	50
«Дарахтлар ва гиёҳларнинг тарҳи-файзини...» .....	51
« <b>Гаплашадиган вақтлар</b> » (1986) .....	53
Аёлга мақтов .....	53
Сена бўйида қуш бозори.....	54
Оқшом. Гавжум Париж.....	55
Сендан хабар келтирса.....	56
« <b>Минг бир ёғду</b> » (1989) .....	57
Минг бир ёғду (маърифий дostonдан парча).....	57
« <b>Ўртамизда биргина олма</b> » (1990) .....	83
«Ўртамизда биргина олма...».....	83
Оролга ёрдам .....	83
«Очил, эй гул, гул вақтинг бўлди...».....	84
«Қўрдим Шукур Бурҳонни...».....	85
«Чарх авзойи бу дам аввалгиларға ўхшамас...» ( <i>Навоий газалига назира мухаммас</i> ) .....	87
« <b>Одамнинг сояси қуёшга тушди</b> » (1991).....	89
Бир Хива — Икки қалъа.....	89

«Соғиндим мен сени...».....	90
Мен ишқимни айтолмасам ўзингга.....	90
Қийин муҳаббат.....	91
«Қирқ биринчи хотинликка, Асилжон...».....	92
<b>«Қуш йўли» (1993)</b> .....	94
2–3 январь, Хоразм.....	94
«Бугун юрт уфқида бир нур кўринди...».....	94
<b>«Эркин ҳаволарда» (1997)</b> .....	96
Ассалом.....	96
Эркин ҳаволарда.....	97
Отажонни эслаб.....	97
<b>«Ардахива» (2000)</b> .....	99
Пасон така.....	99
Тўртликлар.....	99
<b>«Дийдор азиз» (2011)</b> .....	103
Комилжон Отаниёзовни эслаб.....	103
Ҳазил лапар.....	104
Эй сирли диёр, Хоразм.....	105
«Мен гоҳ мундоқ қараб, ўйга толаман...».....	106
<b>Жаҳон шеърятидан таржималар</b> .....	108
Замин тақсимоти ( <i>Ф. Шиллердан</i> ).....	108
Қўлқоп ( <i>Ф. Шиллердан</i> ).....	109
Ошиқлар бодаси ( <i>Ш. Бодлердан</i> ).....	111
Сиз тоғларим ( <i>А. Байирдан</i> ).....	111
Кун ва тун ( <i>А. Байирдан</i> ).....	112
Боғинг бошқача ( <i>А. Байирдан</i> ).....	113
Сени ўйлаб ( <i>А. Байирдан</i> ).....	114
Хотиралар ( <i>А. Байирдан</i> ).....	115
Янгидан-янги ( <i>А. Байирдан</i> ).....	116
<b>Омон Матжон ва бугунги адабий жараён</b> .....	117
Ҳар гал, Ҳар шеъримда, Ҳар тепганда қалб — Ўзим ўз қалбимнинг бўлсам Колумби.	
Суҳбат. ( <i>Суҳбатдош М. Қўчқорова</i> ).....	117

М31 **Матжон, Омон**  
Умр ўтар, вақт ўтар [Матн]. шеърлар /  
О. Матжон. — Тошкент: «O‘zbekiston» НМИУ,  
2016. — 144 б.)  
ISBN 978-9943-28-538-5

**УЎК: 821.512.133-1**  
**КБК 84(5Ў)6**

*Адабий-бадший нашр*

ОМОН МАТЖОН

## УМР ЎТАР, ВАҚТ ЎТАР

*Шеърлар*

Мухаррир	<i>Рауф Субҳон</i>
Рассом-дизайнер	<i>У. Сулаймонов</i>
Техник муҳаррир	<i>Б. Каримов</i>
Кичик муҳаррир	<i>Д. Холматова, Г. Ералиева</i>
Мусаххих	<i>С. Салохутдинова</i>
Компьютерда саҳифаловчи	<i>К. Голдобина</i>

Нашриёт лицензияси АИ № 158. 14.08.2009.

Босишга 2016 йил 28 январда рухсат этилди. Офсет қоғози.  
Бичими 80×100<sup>1/32</sup>. «Times New Roman» гарнитурасида офсет усулида  
босилди. Шартли босма табоғи 6,66. Нашр табоғи 6,53.  
Адади 3000 нусха. Буюртма № 16-43.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг  
«O‘zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.  
100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20.

Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.

e-mail: [uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz](mailto:uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz)

[www.iptd-uzbekistan.uz](http://www.iptd-uzbekistan.uz)